




# ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ АХБОРОТНОМАСИ

**2-сон**  
2021 йил

**БЮЛЛЕТЕНЬ**  
ПРОБЛЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**BULLETIN**  
OF LEGISLATIVE PROBLEMS



**HARAKATLAR STRATEGIYASI**  
**2017-2021**

Давлат ва жамият қурилиши  
tizimini такомиллаштириш



Қонун устуворлигини  
таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini  
янада ислоҳ қилиш



Иқтисодий ривожлантириш ва  
либераллаштириш



Ижтимоий соҳани ривожлантириш



Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний  
бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган,  
ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат



Ўзбекистон иттифоқ ишидаги иштирокини 2017 йилда қайта тиклагани ва бугунги кунда унинг ижроия тузилмаларида тўлақонли қатнашаётганини таъкидлаш жоиз. Бу йил Олий Мажлис томонидан Парламентлараро иттифоқ билан кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ҳужжат қабул қилинди.

Ўз навбатида, Бош котиб Мартин Чунгонг мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантиришдаги сезиларли ютуқларни қайд этди ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги глобал ташаббусларини юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

*Ўзбекистон Президенти Парламентлараро иттифоқнинг  
Бош котибини қабул қилганидаги учрашувидан.  
2021 йил, 22 июнь*

Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этиши, ҳудудлар маъмуриятлари ва ишбилармон доираларни кенг жалб қилган ҳолда янги ташаббуслар ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорлик ва ўзаро мувофиқлашувни кучайтириш муҳим.

*“Ўзбекистон Президенти Қозоғистон Сенати раиси билан парламентлараро  
ҳамкорликни кенгайтириш йўналишларини муҳокама”сида қилган нутқидан.  
2021 йил, 4 июнь*

Хабарингиз бор, яқинда таниқли сиёсатчи, Парламентлараро иттифоқнинг Бош котиби Мартин Чунгонг бошлиқ расмий делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. Суҳбат чоғида у киши бир фикрни афсус билан таъкидлади. Яъни, сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган инсонлар ташкил этса-да, бутун дунё бўйича ёш депутатларнинг улуши 2,6 фоизга ҳам етмас экан. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошганини юқори баҳолади.

Бу – катта эътироф, албатта.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
“Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда”ги маърузасидан.  
2021 йил, 1 июль*

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шу боис, Сенатда доим иш “қайнайди”. Юқори палатанинг ҳаёти муҳокама ва музокараларга бой. Хорижий делегациялар ҳам кўп ташриф буюради. Парламент назоратининг ўзи катта ва ўта муҳим вазифа.

Парламентимиз фаол ишляпти. Мажлислар пайтида битта қонун лойиҳаси соатлаб муҳокама қилинади. Шунинг учун иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, саломатлиги, ёши билан боғлиқ ҳар бир жиҳатни эътиборга олиш, шунга яраша қулайлик яратиш зарур. Залга куёш нури тушиб турса, кайфиятга, ишга яхши таъсир қилади.

*Президент Шавкат Мирзиёев Сенатнинг янги биноси  
қурилиши кўздан кечирди.  
2021 йил, 15 январь*

**Танзила НАРБАЕВА,**  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Олий Мажлиси Сенати Раиси*



## МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

Маълумки, 30 июни “Халқаро парламентаризм куни” сифатида белгилаш тўғрисида 2018 йил 22 майда БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида қарор қабул қилинган эди. Ана шундан буён ушбу сана, бутун дунёда парламент тизимининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва инсон турмуш тарзини яхшилашдаги ролини янада ошириш мақсадини ўзида акс эттирган кун сифатида нишонлаб келинмоқда. Бу дунё парламентларининг ривожланиш жараёнлари мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳозирги пайтда 190 дан ортиқ давлат ўз парламентиغا эга бўлиб, уларнинг деярли 80 тасида икки палатали, қолганларида эса бир палатали қонун чиқарувчи орган фаолият юритади. Ривожланган мамлакатларда парламент давлат ва жамиятнинг бошқа институтлари билан алоқаларни йўлга қўйиш бўйича муҳим коммуникация воситаси вазифасини ўтаб келаётгани сир эмас. Янаям соддароқ изоҳлайдиган бўлсак, у давлат ва халқ ўртасида ўзига хос кўприқдир. Шу сабабли ҳам парламентаризмнинг ривожланганлик даражасига қараб демократик тараққиёт, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигига риоя этилиши ҳамда жамиятнинг тараққиёт даражасини белгилаш мумкин.

Ана шу мезондан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, охириги 5 йилда миллий парламентимиз жадал ривожланиб, тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Энг муҳими, биз эришган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017 йилдан Сенат фаолиятида кенг қўламли ислохотлар бошланган эди. Ўтган йиллар давомида парламентимиз халққа янада яқинлашди – сенаторлар фақат қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш билан чекланиб қолмасдан,

жойларда аҳоли билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишга киришди. Сенат ҳузурида тузилган махсус комиссиянинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб бориши бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди. Парламент ва ижро ҳокимиятининг ҳамкорлиги кучайтирилди. Ялпи мажлисларда маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тизими йўлга қўйилди.

Ўтган йилдан бошлаб Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги янгича суръат олди. Бу борада 13 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, маҳаллий Кенгашлар ваколатлари кенгайтирилгани ҳам муҳим омил бўлди. Маҳаллий Кенгашларда алоҳида котибиятлар ташкил этилди. Ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларга масъул сифатида бириктирилди. Шунингдек, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун ўқув курслари ташкил этилди. Охириги йилларда давлатимиз қонун чиқарувчи олий органининг ўрни юксалди, унинг фаолиятидаги тизимли янгиланишлар жараёни давом этмоқда. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳар йили Олий Мажлисга йўллаб келинаётган Мурожаатномалар асосида қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид Давлат дастурлари ижроси парламент томонидан назоратга олиниб, бу борадаги муаммолар тегишли идоралар кўмагида ҳал қилинаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Бугун даврнинг ўзи олдимизга янги-янги

вазифаларни қўя бошлади. Аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва “йўл харитаси” ишлаб чиқиш, мутасадди идоралар томонидан амалга ошириш, йўналишдаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан парламент назоратини ўрнатиш ана шулар жумласидандир. Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик органи сифатида ўз олдидаги вазифаларга масъулият билан ёндашмоқда. Жумладан, сенаторлар муайян ҳудудларга бириктирилиб, маҳаллий Кенгашларнинг доимий ишлайдиган комиссиялари ва фаолият юритаётган депутатлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйди. Айтиш жоизки, кейинги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва муаммоларни ҳал этишда фаоллигини ошириш, уларнинг ваколатларидан кенг фойдаланиш имконини бермоқда.

Маҳаллий Кенгашларда депутатларнинг фаол ва изчиллиги пандемия даврида ҳам қўл келди. Карантин даврида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида аҳоли кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнларида сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари янада жипслашди. Кузатувларимдан келиб чиқиб айтиладиган бўлсам, бундай натижалар ўз-ўзидан бўлавермайди. Аксинча, қаердаки изланиш, интилиш ва рағбат бўлса, ўша жойда тараққиётга эришилади. Сўнгги уч йилда Ўзбекистон улкан ислохотлар палласига қадам қўйди ҳамда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал тус олдики ва албатта, бу парламентимиз ривожига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Жамиятдаги ҳар бир янгиланиш парламентаризмнинг янги имкониятларини очмоқда, десак тўғри бўлади.

Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мустақиллиги таъминланди, парламентимиз ваколатлари кенгайтирилиб, унинг зиммасига юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилиши учун кенг шароитлар яратилди. Президент фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда “Йўл хариталари”нинг бажарилиши юзасидан давлат идоралари, маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти татбиқ этилди. Бугун парламентимиз қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Парламентнинг назорат функциясидан сама-

рали фойдаланиш бу борадаги ишлар ҳолатини холисона баҳолаш имконини беради. Ўзининг қонун ижодкорлиги ва назорат қилувчи ваколатларидан фойдаланган ҳолда парламенти-миз палаталари барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Шу боис ўтган йили Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Мазкур комиссия Мувофиқлаштирувчи кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади ва унга кўмаклашади, чораклик ҳисоботларни эшитади ҳамда қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлайди. Йўналишдаги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторинг қилади, миллий мақсад ва вазифаларга киритилган соҳалар ривожини танқидий таҳлил этиб, барқарор ривожлантириш соҳасидаги фаолиятнинг амалдаги ҳолатини аниқлайди, илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фаол қатнашади. Шу билан бирга, Ҳукумат тақдим этадиган йиллик бюджет параметрлари етарли эканлиги ва миллий БРМни Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича режага мослигини кўриб чиқади, зарурат бўлса, кейинги йилга мўлжалланган Давлат бюджети ва Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, БРМ борасидаги ютуқларни кенг ёритиш мақсадида жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ана шу вазифалар асосида бугун парламент комиссияси томонидан кенг кўламли фаолият олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йили бу тузилма томонидан республика ҳудудларида миллий барқарор ривожланиш мақсадларидан ҳисобланган – камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, оналар ва болаларни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолатлари ўрганиб чиқилди. Тадқиқотда 37 та миллий вазифа ва 50 дан зиёд кўрсаткичлар қамраб олинган бўлиб, унда 19 та давлат органи раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. БРМнинг миллий мақсадлари асосида Ҳукумат вакилларига Олий Мажлис томонидан 27 та парламент, 388 та сенаторлик ва 338 та депутатлик сўровлари юборилди.

Умуман, миллий парламентимизни Барқарор

ривожланиш мақсадлари ижросига кенг жалб этиш орқали Парламентлараро иттифоқ ва БМТ билан ҳамкорлик алоқаларимиз янада мустаҳкамланади. Айнан шу саъй-ҳаракатлар парламентимиз юқори палатасининг обрўси юксалиши ва халқимизнинг унга бўлган ишончи ортиб боришига хизмат қилаётгани айни ҳақиқатдир. Бугун миллий парламентимиз фаолияти давлатимиз ва жамиятимиз учун муҳим бўлган барча йўналишларда жадал ривожланмоқда. Буни парламент қошидаги турли тузилма ва институтлар фаолиятининг сезиларли даражада ошиб бораётганида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги натижасида юртимизда болалар меҳнатига ва тизимли мажбурий меҳнатга барҳам берилди, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тобора камайишига эришилмоқда.

АҚШ Давлат котиби М.Помпеонинг одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга бағишланган йиллик ҳисоботида: “Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатлари одамларни пахта саноати ва бошқа соҳаларда ишлашга мажбурлаш бўйича узоқ тарихга эга. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракати минтақа давлатлари учун ушбу муаммога қарши курашнинг янги стандартларини намоёиш этмоқда”, деган эътирофи фикримизнинг яққол далилидир. Бу давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ва шу янгиланишларга камарбаста бўлиб келаётган парламентимизнинг ҳам катта ютуғи ҳисобланади.

Миллий парламентимиз муваффақияти хусусида сўз борар экан, гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласининг алоҳида ўрни бор. Бу давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ва шу янгиланишларга камарбаста бўлиб келаётган парламентимизнинг ҳам катта ютуғи ҳисобланади. Негаки, охириги бир неча йилда бу йўналишда жудаям катта йўлни босиб ўтдик. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жамиятда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Олий Мажлис Сенатида гендер комиссияси ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йилда парламен-

тимиз томонидан иккита муҳим ҳужжат, яъни “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди ва Гендер тенгликни таъминлаш юзасидан миллий стратегия ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Парламентлараро Иттифоқ, МДҲ Парламент Ассамблеяси, ЕХҲТ Парламентлараро Ассамблеяси каби қатор нуфузли парламентлараро уюшмаларга аъзо бўлди. Шунингдек, Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеясига аъзо бўлиш ҳақида қарор қабул қилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий механизмлари билан ўзаро ҳамкорлик ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсияларни бажариш борасидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда миллий парламентимиз ривожланиш йўлини босиб ўтди, бу жараён изчиллик билан давом этмоқда. Барча натижаларимизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ислохотларнинг жадал суръати, уларнинг қонуний асосини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ҳудудлар манфаатларига мос қонунлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришилмоқда. Вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари, ҳокимлар ҳамда сектор раҳбарларининг Сенат олдида ҳисобот ва ахборотлар тақдим этиши йўлга қўйилиши ҳисобига халқ ҳокимияти устуворлиги таъминланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Шуларга мос равишда фуқаро мурожаатлари билан ишлашда янгича тизим йўлга қўйилди. Табиийки, биз ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётибди, деган оддий тамойилдан келиб чиқиб, мурожаатларга ижобий ечим топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

“Халқаро парламентаризм куни” муносабати билан охириги йилларда миллий парламентимиз қўлга киритган ютуқларнинг айримларини ёдга олдик, холос. Аслида бу борада эришган ютуқларимиз салмоғи жуда катта. Шуларга мос равишда олдимизда турган ўта долзарб вазифалар ҳам кўп. Биз ҳозиргидек изчиллик, изланувчанлик ва фаол халқаро ҳамкорлик ёрдамида ушбу вазифаларни ҳам, албатта, бажарамиз.

**Акмал САИДОВ,**  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
 Қонунчилик палатаси Спикерининг  
 биринчи ўринбосари, академик



## ЎЗБЕКИСТОН ВА НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслар кенг жамоатчилигимиз ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бундай ижобий муносабат, бир томондан, Ўзбекистоннинг давлатимиз раҳбари белгилаб берган миллий тараққиёт йўлидан оғишмай, дадил одимлаётганини тасдиқласа, иккинчи томондан, халқаро майдонда ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганига яна бир ёрқин далилдир.

### МИЛЛИЙ ҚОНУНДАН ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ САРИ

**Биринчидан,** 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига биноан **Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинганини таъкидлаш лозим.**

Дунёнинг турли минтақаларидаги 60 га яқин давлат мазкур резолюцияда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этгани эътирофга сазовор.

**Иккинчидан,** Олий Мажлис Сенатининг 29 май куни бўлиб ўтган мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуни лойиҳаси муҳокама этилди ва тасдиқланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил

22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида бу ҳақда тўхталганди. Давлатимиз раҳбари юксак минбардан туриб, **имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузиш таклифни** халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этар экан, Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлагани бежиз эмас.

### ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ: ИЗЧИЛЛИК ВА САМАРА

Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини 2009 йил 27 февралда имзолаган. Ўшанда мамлакатимиз конвенцияни келгусида ратификация қилишга ишонч билдирган. Афсуски, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган айни ратификация масаласи чўзилиб кетди.

Шу маънода кейинги йилларда бу борадаги амалий ишлар шиддатли тус олгани диққатга лойиқ. Ўзбекистон Республикасининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилишига оид масала давлат раҳбарининг куйидаги дастурий ҳужжатларида:

**биринчидан,** “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида (2017 йил 1 декабрда қабул қилинган);

**иккинчидан,** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига

бағишланган тадбирлар дастурида (2018 йил 5 майдаги фармон билан тасдиқланган);

**учинчидан**, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида (2020 йил 22 июндаги фармон билан тасдиқланган);

**тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган 46-сессиясидаги нутқида назарда тутилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва БМТ халқаро шартномавий органлари — Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг, Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмитанинг якуний тавсия ва мулоҳазаларида Ўзбекистон томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш ва тарғибот-ташвиқот фаолиятини амалга ошириш бир неча марта тавсия этилган.

Бу орада 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва 2008 йилда янги таҳрири тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш бўйича иш олиб борилди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси асосида 2017 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа 2018 йил 20 июль куни умумхалқ муҳокамаси учун ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштирилди.

Бу қонун лойиҳасида, жумладан, БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг халқаро стандартлари ва талаблари, энг муҳими, асосий фалсафасини ҳисобга олиш, шунингдек, **“ногирон”** сўзи ўрнига **“ногиронлиги бўлган шахс”** атамасидан фойдаланишга эътибор қаратилди.

Сўнгра 2020 йил 22 июль куни “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2020 йил 11 сентябрь куни Сенат томонидан маъқулланди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 15 октябрь куни имзолангач, унинг 49-моддасига мувофиқ, расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, яъни 2021 йил 15 январь куни кучга кирди.

Шу тариқа Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан даставвал бу борада алоҳида қонун қабул қилинишига муваффақ бўлинди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг халқаро ташаббуси доирасида Ўзбекистон парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни

ратификация қилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий адолат принципига амал қилиш, ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож, биринчи навбатда, жисмоний имконияти чекланган одамларга тўлақонли ҳаёт кечириш учун шароит яратиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида турибди.

### **КОНВЕНЦИЯ — ДУНЁДАГИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР КОНСТИТУЦИЯСИ**

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган. 2021 йил февраль ҳолатига кўра, БМТга аъзо 192 давлатдан, 182 таси ушбу конвенцияни ратификация қилган.

Эътибор беринг, **БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси инсон ҳуқуқлари тўғрисида XXI асрда қабул қилинган биринчи шартномадир.**

Конвенцияда ногиронларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан, уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган. Ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолатлари белгиланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, **дунё аҳолисининг 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил қилади, бугунги кунда уларнинг сони 1 миллиардга етган.**

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 50 та моддадан иборат бўлиб, дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳолатини таҳлил этиш асосида қабул қилинган. Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжат инсонларнинг турли-туманлиги ва кадр-қиммати принципларини ўзида муҷассамлаштиргани жуда муҳимдир.

Конвенциянинг **асосий ғояси** шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Конвенциянинг мақсади 1-моддада баён этилган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир. У фойдаланиш имконияти, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация

литация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

Конвенциянинг 4-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича умумий мажбуриятлар белгиланган. Хусусан, **конвенцияда иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни олади:**

- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий-ташкилий ва бошқа чораларни кўриш;
- ногиронлиги бўлганларга нисбатан камситиш хусусиятига эга мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш;
- барча стратегиялар ва дастурларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни ҳисобга олиш, конвенцияга тўғри келмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки усуллардан тийилиш;
- ҳар қандай шахс, ташкилот ёки хусусий корхона томонидан ногиронлик белгиси бўйича камситишни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг аниқ эҳтиёжлари учун мослаштириш, товарлар, хизматлар, жиҳозлар ва универсал дизайн объектларининг илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш;
- конвенцияда кафолатланган ёрдам ва хизматларни тақдим этишни такомиллаштириш учун мутахассислар ва ногиронлиги бўлган шахслар билан иш олиб борадиган персонални ушбу эътироф этилган ҳуқуқларга ўқитишни рағбатлантириш.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор субъектлар сифатида ногиронлиги бўлган аёллар (6-модда) ва ногиронлиги бўлган болалар (7-модда) ажратиб кўрсатилган.

Конвенция қоидалари бажарилишини мониторинг қилувчи, иштирок этувчи давлатларнинг маърузаларини кўриб чиқишга ваколатли ҳамда ушбу маърузалар бўйича таклифлар ва умумий тавсиялар берувчи орган — **БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (18 кишидан иборат) ташкил этилган.**

Аъзо давлатлар дастлабки миллий маърузани конвенция ратификация қилинганидан сўнг 2 йил ичида, кейинчалик ҳар 4 йилда бир марта тақдим этиши белгиланган.

### **НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЮРИДИК АСОСЛАРИ**

Мамлакатимизнинг ногиронлиги бўлган шах-

слар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ногиронлиги бўлган шахсларга Конституциямизда назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ҳамда принциплари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 760 мингдан зиёд шахс истиқомат қилади. Улар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олинган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан **Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти** тасдиқланди. Ушбу ҳужжатга асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари 2021 йил 1 августдан бошлаб кўрсатилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги қарори билан ҳукумат ҳузурида доимий фаолият **юритувчи Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш** ташкил қилинди. **Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари:**

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини тиклаш, уларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, меҳнат қилиши ва бандлигига кўмаклашиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда иштирок этишдан иборат.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлишидан қатъи назар, инсонни, шу жумладан, ногиронлиги борлиги туфайли камситмаслик принципи ётади. Бу борада нафақат

давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаоллик кўрсатаётгани жуда муҳим.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлик соҳасида 600 га яқин нодавлат ноижорат ташкилот фаолият юритмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамоат фонди, Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази, Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш “Умр” жамоатчилик маркази, “Инклюзив ҳаёт” ногиронлар жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти каби ННТлар бор. Ушбу нодавлат ноижорат ташкилотларнинг вакиллари конвенцияни ратификация қилишда фаол иштирок этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан тартибга солинмоқда. Бу ўринда Конституция, 40 дан ортиқ қонун ва 160 дан ортиқ қонуности ҳужжат кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари Конституция, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”-ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлар ва Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини тартибга солувчи миллий қонунчилик:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги барча ҳуқуқларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш;
- бандлик масалалари;
- жисмоний тарбия, спорт ва дам олиш; ижтимоий объектлар ва хизматлар, транспорт, алоқа

ва ахборот воситаларидан фойдаланиш;

- одил судлов;
- давлат ва жамоат ишларида иштирок этиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик каби нормалардан ташкил топган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ратификация қилган БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглиги, ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг таълим олиши, саломатлигини сақлаши, меҳнат қилиши, ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конвенцияни ратификация қилишда 3 та манабу: миллий қонунчилик, хорижий юридик амалиёт ва ушбу конвенциянинг ўзига таянилди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилди.

Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария каби етакчи хорижий давлатлар Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ҳолда, тегишли миллий қонунларини ҳам қабул қилган. Бу қонунларнинг барчаси мазмунан ўхшаш бўлиб, конвенция талаблари негизида ишлаб чиқилган.

Эътиборли томони шундаки, ГФРда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча қонунлар мавжуд. Жумладан, **“Жамиятда, ишда ва касбий соҳада ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида”ги Қонун** шулар сирасига киради.

**Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳуқуқий амалиётига келсак, қонун ижодкорлигида илк бор ноёб тажриба қўлланилди. Яъни халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.**

Энг асосийси, конвенцияни ратификация қилиш натижасида:

**биринчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро норма ва стандартларга мувофиқлашади;

**иккинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайди;

**учинчидан**, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги мамлакатимизнинг ижобий халқаро имижига янада яхшиланади.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аннотация.** Мақолада янги қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонундаги асосий қоидалар, уларнинг мазмуни ва моҳияти таҳлил қилинган. Янги қонунда Конституциявий суд ваколатларининг кенгайтирилиши, конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши мамлакатда конституциявий одил судловнинг ривожланишида янги даврни бошлаб бериши асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Конституция ва қонун устуворлиги, конституциявий одил судлов, конституциявий шикоят институту.

**Аннотация.** В статье анализируются основные положения, сути и значения Конституционного закона «О Конституционном суде Республики Узбекистан». Расширение полномочия Конституционного суда, внедрения института конституционной жалобы в новом законе ознаменовал начало нового этапа развития конституционного правосудия в стране.

**Ключевые слова:** Конституционный суд Республики Узбекистан, верховенство Конституции и закона, конституционное правосудие, институт конституционной жалобы.

**Annotation.** The article analyzes the main provisions, essence and the importance of the Constitutional Law «On the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan». The expansion of the powers of the Constitutional Court, the implementation of the institution of constitutional complaint in the new law marked the beginning of a new stage in the development of constitutional justice in the country.

**Key words:** Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan, supremacy of the Constitution and the law, constitutional justice, institution of constitutional complaint.

Замонавий демократик давлатларнинг муҳим институтларидан бири конституциявий одил судлов органи ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатда Конституция ва қонун устуворлигини қарор топтириш ва конституциявий қонунийликни таъминлаш конституциявий одил судлов органи – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг асосий вазифаси саналади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонунлар ва Олий Мажлис палаталари қарорларининг, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш билан конституциявий назоратни амалга оширади. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни кўради.

Суд ишларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги принципи, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг

ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устунлигига оид конституциявий принцип асосида амалга оширилади.

Конституциявий суд давлат органлари ҳужжатларини Конституцияга мувофиқлигини текшириш билан мамлакатда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлайди. Конституция ва қонун устуворлиги принципи Конституциявий суд қарорларини мажбурийлиги ва қатъийлиги, уларнинг ижросини сўзсиз таъминланиши билан мамлакатда ҳеч бир давлат ҳокимияти органи қонундан устун бўла олмаслигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида “мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради”<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

1. Мирзиёев Ш.М. “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир”. <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 14-бандида қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш масаласи қўйилди. Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Конституциявий суд томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”-ги Конституциявий қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида парламентга киритилган эди. 2021 йил 27 апрелда мазкур қонун қабул қилиниб, кучга кирди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун 101 та моддани ўз ичига олган ўн уч бобдан иборат бўлиб, мамлакатимизда конституциявий одил судловни ривожланишининг янги даврини бошлаб беради. Унда конституциявий назоратни кучайтириш, Конституциявий суднинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишга қаратилган принциплар жиҳатдан муҳим янгиликлар ўз ифодасини топган.

Қонунда конституциявий назорат субъектлари доираси кенгайтирилди. Аввалги қонун бўйича 12 та субъект Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлса, янги қонун билан 15 та субъектга шундай ҳуқуқ берилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлди. Конституциявий назорат субъектлари доирасининг кенгайтирилиши мамлакатимизда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатларда конституциявий суд судьялари бир марта, айрим давлатларда икки марта 6 йилдан 12 йилгача бўлган муддатга сайланади. Масалан, Испания, Италия, Португалия, Польша, Руминияда бир марта 9 йилга сайланади, Германия, Венгрия, Словакия, Туркияда бир марта 12 йилга сайланади. Нисбатан қисқа муддатга (5-6 йил) сайланадиган судьялар қоида

тариқасида бир ёки икки марта қайта сайланиши мумкин. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясининг ваколат муддатлари ўзгартирилди. Яъни, Конституциявий суд судьяси биринчи марта беш йилга, навбатдаги муддатга сайланганида ўн йилга сайланади. Айни бир шахс икки мартадан ортиқ судья этиб сайланиши мумкин эмас.

Конституциявий судни шакллантириш демократик тамойилга асосланган. Бу жараёнда бевосита учта субъект иштирок этади. Яъни, судья Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан сайланади. Аксарият хорижий мамлакатларда конституциявий суд таркиби 9 нафар судьядан иборат. Масалан, Арманистон, Грузия, Корея, Литва ва Озарбайжон конституциявий судларида 9 нафар судья фаолият юритади. Айрим аҳолиси кўп бўлган ёки федератив тузилишга эга бўлган давлатларда судьялар сони 12-18 нафар ташкил этади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди таркиби 9 нафар судьядан иборат этиб белгиланди.

Шунингдек, қонунда Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш тартибига ҳам аниқлик киритилди. Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд томонидан судьялар орасидан беш йил муддатга сайланади. Агар уларнинг судьялик ваколатлари муддати тугашига беш йилдан кам вақт қолган бўлса, улар қолган муддатга сайланади. Айни бир шахс Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортиқ сайланиши чеклаб қўйилди.

Конституциявий суд мурожаат олинган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай уни ўрганишга киришади ва кечи билан уч ой ичида қарор қабул қилади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар конституциявий қонун ва халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонуннинг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги сўров билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мурожаат қилганда Конституциявий суд мурожаат келиб тушган кундан бошлаб кечи билан 15 кун ичида қарор қабул қилиши белгилаб қўйилди. Ушбу норманинг моҳияти шундаки, Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Олий Мажлисининг

Сенати маъқуллаган қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўттиз кун ичида имзоланиб, эълон қилиниши керак. Иккита қонундаги муддатлар ўртасида юзага келган тафовутни бартараф этиш мақсадида Конституциявий судда юқорида кўрсатилган тоифадаги ишларни кўриб чиқиш муддати 15 кун этиб белгиланди.

Қонунда айрим тоифадаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституция ва қонун нормасига расмий шарҳ беришга қўйилдиган аниқ талаблар мустаҳкамлаб қўйилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларини шарҳлаш уларда ноаниқликлар топилган ва шу сабабли уларни нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланиш амалиёти шаклланган тақдирда амалга оширилади. Конституция ва қонунлар нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаатда уларда ноаниқликлар мавжудлиги, ва шу сабабли улар амалиётда нотўғри ёки зиддиятли қўлланилаётганлиги ҳақидаги важ ва далиллар кўрсатилиши талаб этилади. Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қарорида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормасига расмий шарҳни ўз ичига оладиган якуний хулоса кўрсатилади. Шарҳлаш жараёнида қонун нормаларини аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши мумкин эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг ва бошқа ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) ёки улар бир қисмининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби ҳам қонунда мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан суд муҳокама-сига масала киритиш ҳуқуқи қонундан чиқарилди. Чунки, судьялар томонидан суд мажлисига масала киритилиши ва уни муҳокама-сидида иштирок этиши судьянинг холислик тамойилига зид келади. Хорижий мамлакатлар конституциявий судлари судьяларида бундай ҳуқуқнинг йўқлиги ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра “ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”. Ушбу конституциявий норма фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларини, шу жумладан конституциявий одил

судловга бўлган ҳуқуқларини ҳам ўз ичига олади.

Ривожланган демократик давлатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг маънода фуқаролар ва юридик шахсларга конституциявий судлов органига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи сифатида тушуниладиган конституциявий шикоят институтига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун фуқароларнинг конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг энг муҳим янгиллиги, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, конституциявий шикоят институти жорий этилиши бўлди.

Конституциявий судга муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни текшириш ҳақидаги ишларни кўриш бўйича янги ваколат юклатилди.

Конституциявий шикоятнинг мазмуни ва моҳияти фуқароларнинг конституциявий назорат органига ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган қонуннинг конституциявийлигини текшириш талабида намоён бўлади. Конституциявий шикоят институти суд ҳимоясигина эмас, балки қонунларнинг конституциявийлигини таъминлаш воситасидир.

Фуқароларнинг конституциявий шикоят бериш ҳуқуқи муайян ҳуқуқий талаб ва мезонлар билан чегараланмаслиги Конституциявий судда иш ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши, суд жараёнининг чўзилиб кетиши, пировард натижада ишларни кўриб чиқиш сифатига салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис, хорижий мамлакатлар конституциявий судлари тажрибасидан келиб чиқиб, муайян ишда қўлланилган қонун билан ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан шикоят билан фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи доираси аниқ белгилаб қўйилди. Яъни фуқаролар ва юридик шахслар фақат қонун билан уларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай шикоятлар суднинг барча бошқа ҳимоя чоралари қўлланилган, ишни кўриб чиқиш тугаган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ривожланган демократик давлатларда конституциявий шикоят институти ўзини оқлаган ҳуқуқий восита сифатида эътироф этилади ва ҳуқуқий тизимда самарали қўллаб келинмоқда. Конституциявий судлов назорати институти

мавжуд бўлган аксарият давлатларда фуқаролар ва юридик шахсларга ўз конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Масалан, Испания Конституциясининг 161.1-моддасида Конституциявий судни қонунлар ва қонун кучига эга бўлган норматив ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ваколати мустаҳкамланган<sup>2</sup>. Польша Конституциясининг 79-моддасига кўра конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир киши қонунни Конституцияга мослиги тўғрисидаги масала билан Конституциявий трибуналга шикоят қилиши мумкин<sup>3</sup>. Германияда “ўзининг асосий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблайдиган ҳар бир шахс бирон бир ҳаракатни конституцияга зидлиги юзасидан шикоят билан Федерал Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин”<sup>4</sup>.

Айрим давлатларда конституциявий шикоят институти барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича эмас, балки фақат қонунларнинг конституциявийлиги юзасидан шикоят бериш тартиби жорий этилган. Масалан, Украинада фуқаролар умумий юрисдикция судлари томонидан қўлланилган қонун ўзининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузган деган фикрга келса, ушбу қонун ёки унинг бир қисмини Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқишни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин.

Қонунда Конституциявий суд қарорларининг турлари ва уларни қабул қилиш, эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби ҳамда қарорнинг юридик кучи тўғрисидаги нормалар ҳам ўз аксини топган. Конституциявий суднинг ҳужжатлари барча давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Конституциявий суд қарори қатъий ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмаслиги, суд қарори билан Конституцияга зид деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзининг амал қилишини тугатиши белгиланди. Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қабул қилинган давлат органларининг қарорлари ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қарорлар қабул қилган давлат органлари уларни бир ой ичида қайтадан кўриб чиқиши керак.

Конституциявий одил судловни самарали амалга ошириш суд ишларини юритишнинг процессуал тартиб-тамоийилларини такомиллаштириш, уларни қонун билан батафсил тартибга солишни тақозо қилади. Зеро, судда иш юритишнинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ. Бугунги кунда конституциявий судлов ишларини юритиш қоидалари Конституциявий суднинг қарори билан тасдиқланган Конституциявий суд Регламентида белгиланган. Хорижий мамлакатлар конституциявий судлари амалиётида бундай қоидалар Конституциявий суд томонидан эмас, балки қонун билан тартибга солинади. Шунга кўра конституциявий одил судловни амалга ошириш, суд ишлари юритишнинг процессуал тартиб-тамоийиллари қонун билан батафсил тартибга солинмоқда.

Конституциявий суднинг қарорлари ва хулосаларининг юридик табиатидан келиб чиқиб, уларнинг матни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси», шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенг ва тўла кафолатлаш, мамлакатимизда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, конституциявий назоратни кучайтиришга, конституциявий судлов ишларини юритишни такомиллаштиришга, пировард натижада, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

2. Қаранг: Испания Қироллиги Конституцияси. <https://legalns.com/download/books/cons/spain.pdf>

3. Қаранг: Польша Республикаси Конституцияси. <https://legalns.com/download/books/cons/poland.pdf>

4. Саидов А. Конституционное путешествие по Германии. – Т.: Национальный центр по правам человека, 2019. Б.100

**Мухтабар ХУСАНОВА,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси депутаты,

юримдик фанлар номзоди

## ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ: ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаолияти натижалари, қонун ижодкорлиги жараёнида-жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш масалалари, қонун ҳужжатларини тизимлаштиришининг аҳамияти, шунингдек илғор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси асосида қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаш-тиришга хизмат қилувчи илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калиит сўзлар:** қонун ижодкорлиги, кодификация, эксперт гуруҳи, жамоатчилик ташаббуси, илмий-инновацион омил.

**Аннотация.** В статье освещены особенности законодательного процесса в Республике Узбекистан, результаты законодательного процесса палат Олий Мажлиса, вопросы обеспечения участия общественности в законодательном процессе, важность систематизации законодательных актов, а также на основе позитивного опыта передовых зарубежных стран, разработаны научно-обоснованные предложения, служащие совершенствованию законодательного процесса.

**Ключевые слова:** законодательство, кодификация, экспертная группа, общественная инициатива, научно-инновационный фактор.

**Abstract.** The article highlights the features of the lawmaking process in the Republic of Uzbekistan, the results of the lawmaking process of the chambers of the Oliy Majlis, issues of ensuring public participation in the lawmaking process, the importance of systematizing legislative acts, and, based on the positive experience of leading foreign countries, developed scientifically sound proposals improving the lawmaking process.

**Key words:** lawmaking, codification, expert group, public initiative, scientific and innovative factor.

Демократик ҳуқуқий кадриятларга таянган, мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлашга интиланган ҳар қандай давлат қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришга интилади. Шу нуқтаи назардан олганда, сўнгги йилларда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг қонунчилик асослари мустаҳкамланди, мавжудлари такомиллаштирилди, муддатини ўтаган, зарурати ва аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатлари бекор қилинди. Энг эътиборлиси, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида замон тенденциялари ва барқарор тараққиёт вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамият тизимида парламентнинг родини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди, қонун ижодкорлиги жараёнини ташкил этишнинг демократик механизмлари жорий этилди. Халқчил ва ҳаётий қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичлари миллий қонунчилик тажрибаси ҳамда хорижий мамлакатлар-

нинг илғор амалиёти асосида ривожлантирилиб борилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 20 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқида: мамлакатимиздаги қонун ижодкорлиги соҳаси, хусусан парламентнинг бу йўналишдаги фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишга қаратилган долзарб ташаббусларни илғари сурган эди. Жумладан, Қонунчилик палатасининг ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам “демократия мактаби”га айланиши, депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустаҳкам позициясига эга бўлиши, қўйи палата депутатлари ташаббуси асосида ишлаб чиқиладиган қонунларнинг салмоғини ошириш, депутатларнинг қонунларни қабул қилишда уларнинг келгусида ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриб қўйишлари, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномалар, халқаро

рейтинглардаги ўрнимизни яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиётини жорий этиш назарда тутилган<sup>1</sup>. Мазкур илмий асослангандир ва амалий жиҳатдан юқори аҳамиятга эга ташаббуслар мамлакатимиз қонун ижодкорлигига янгича тартиб, замонавий ёндашув ва илмий инновациялар жорий этилишига олиб келди.

Ўтган йиллар мобайнида Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти амалиётда тўғридан-тўғри ишлайдиган, кодификация қилинган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиш, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлишини таъминловчи ижро механизмларини қонуннинг ўзида белгилаш, қонунчилигимиздаги такрорлар ва зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш масаласи депутатларнинг доимий диққат марказида бўлди. Қонун ижодкорлигига бундай янгича ёндашув эса унинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилмоқда.

Қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларнинг мазмунига мувофиқ ягона шаклда ва тўғри қўлланилишини, адабий тил қоидалари ва нормаларининг, юридик-техник ва бошқа махсус қоидаларнинг талабларига аниқ риоя этилишини таъминлаш учун Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тузилиб, қўйи палатанинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янгидан тасдиқланиши қонунчилигимиздаги такрорий ва зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш имконини берди.

Депутатлар томонидан ўз сайлов округидаги учрашувларда қонун лойиҳаларининг аҳоли ўртасида муҳокама этиш амалиёти кенг йўлга қўйилаётгани ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши тартиби белгилангани қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг пишиқ-пухта ишлаб чиқилиши ва тайёрланишига замин бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, уларнинг ташаббуси билан ёки бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар томонидан Қонунчилик палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан чуқур билимга эга юқори

малакали мутахассислардан иборат таркибда эксперт гуруҳлари тузилиб, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси ишчи гуруҳ йиғилишларида ҳамда қонун лойиҳасига алоқадор давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлар мутахассислари иштирокида давра суҳбати, семинарлар ўтказиш орқали таклифлар олиниши қонунларнинг сифатини, таъсирчанлигини ва аҳамиятини янада оширмоқда. Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятининг илмий ва эксперт-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолият бошлади. Шу билан бирга, қонун ижодкорлигини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари билан қонун лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг таҳлилий, қиёсий ўрганилиши шарт қилиб белгиланди, ҳуқуқий экспертиза ўтказишда эътиборга олинadиган ҳолатлар аниқлаштирилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш муддати тўғрисидаги қоида киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонун лойиҳаларини тайёрлашдаги ваколати кенгайтирилди. Вазирлик зиммасига қонун лойиҳаларини ҳавола қилувчи нормалар қўлланилиши асослиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун лойиҳаларини улардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асоссиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоида ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилин аналга ошириш, қонун лойиҳасини тайёрлаш учун ишчи гуруҳ (комиссияси) таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакиллари киритилиши, ҳуқуқий экспертиза ўтказиш билан боғлиқ қоидалар такомиллаштирилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолияти намунавий регламенти, қонун лойиҳаси концепциясига, қонун лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хати, таҳлилий ва ахборот материалларига қўйиладиган асосий талаблар тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозими жорий этилди<sup>2</sup>. Қонун лойиҳаси

1. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи. 2020 йил 20 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3294-сон қарори. <https://lex.uz>

манфаатдор орган ва ташкилотлар билан келишувга қадар мажбурий равишда жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига киритилиш тартиби жорий этилди. Жамоатчилик ташаббусини муҳокама этиш ва вакиллик органлари томонидан кўриб чиқиш имконини берувчи «Mening fikrim» веб-портали ишга туширилди<sup>3</sup>. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилиниб, тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда.

Парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолиятини бутунлай янгича ташкил этиш, янада бойитиш масаласи бугун ҳар қачонгиданда долзарб масала. Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлигидаги фаолиятини ривожлантириш, илмий, инновацион омилларни жорий этиш парламентнинг долзарб вазифаларидан бири. Бунда, қонун ижодкорлиги жараёнида айниқса, қўмиталар ҳузурида тузиладиган экспертлар гуруҳи фаолиятини такомиллаштириш лозим. Тегишли соҳа бўйича етук илмий ва амалий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларнинг қамраб олинишига эришиш, қўмиталарнинг эксперт гуруҳлари билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, қўмиталар масъуллигида қонун лойиҳалари юзасидан хулоса учун асос бўладиган эксперт гуруҳининг фикр-мулоҳазасини олиш, эксперт гуруҳларининг амалга ошираётган ишлар билан жамоатчиликни таништириб бориш, тегишли соҳадаги илмий тадқиқот натижалари бўйича эксперт гуруҳлари хулосасига кўра қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши, такомиллаштирилишига оид механизмларни жорий этиш, заруратга қараб эксперт гуруҳлар таркибига хорижий мутахассислар ҳам жалб этилиши муҳим аҳамиятни касб этди. Бугунги кунда миллий парламентимиз тизимига кириб келган янги тузилма Парламент кутубхонасини ривожланган хорижий мамлакатлар парламентлари кутубхоналари (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея, Япония) амалиётдан келиб чиққан ҳолда палаталарни, қўмита ва комиссияларни тегишли масалалар юзасидан илмий базавий материаллар билан таъминловчи марказга айлантириш имкониятини кенгайтиради.

Тадқиқотчилар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти мутахассислари, илмий ва эксперт доиралар вакиллари, умуман жисмоний ва юридик шахслардан Олий Мажлис палаталарига келиб тушадиган қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва фикр-мулоҳазаларни жамловчи, тизимлаштирувчи, қайта ишловчи онлайн ахборот тизимини те-

гишли соҳага ихтисослашган қўмиталарга тақдим этиб бориш механизмини киритиш лозим. Мазкур йўл орқали илмий тадқиқот натижалари ҳамда жамоатчилик фикрининг қонунчиликка сингдирилишида учраётган бўшлиқларнинг тўлдирилишига эришилади. Бу тизим Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тизими таркибида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Негаки, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солмай туриб, давлат ва жамият бошқарувида юқори натижаларга эришиш қийин. Шу сабабли, ҳар бир қабул қилинаётган қонун ҳужжатининг мақсади ва у тартибга солиши режалаштирилган ижтимоий муносабатларга мос келишига эътибор қаратиш лозим.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг замонавий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни ва илмий ишланмалар натижаларини амалиётга татбиқ этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашининг самарали механизмларини жорий этиш таклиф этилади. Бунда қонун ижодкорлигининг ҳали ўрганилмаган жиҳатлари ва йўналишларини чуқур таҳлил этиш асносида узоқ истиқболга мўлжалланган илмий ишлар рўйхатини тузиш ва тизимли илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш талаб этилади. Мазкур фаолиятга Олий Мажлис палаталарини ҳам кенг жалб этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Давлат ва жамият бошқаруви тизимида парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимият сифатидаги роли муҳим аҳамият касб этади. Академик А.Саидов таъкидлаганидек, “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентнинг қонун чиқарувчи функцияси муҳим аҳамият касб этади”<sup>3</sup>. Шу мақсадда, бугунги кунда Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнлари янгича ташкил этилмоқда, қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш жараёни ҳам янада такомиллашиб бормоқда.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги фаолияти ва уни илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашининг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, комплекс чора тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек унинг назарий ва амалий жиҳатларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш талаб этилар экан, бунда юридик соҳадаги илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий таклиф ва тавсияларидан самарали фойдаланиш механизмларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

3. Саидов А.Х. “Роль парламента в достижении целей устойчивого развития ООН в области развития науки, просвещения и цифровой экономики”. Юридический факультет Кўллаш амалиётининг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. 1-жилд. 2020. Б.- 7-16.

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтининг директори, юридик фанлар доктори.

**Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммоларива парламент тадқиқотлари  
институтининг илмий ходими.

## СИЁСИЙ ИШТИРОК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада давлат ва жамият ҳаётида фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирокининг аҳамияти, ўрни таҳлил этилган. Жамиятда фуқароларнинг сиёсий жараёнларга фаол иштирок этишлари демократик тамойилларнинг мустақамлашда, шунингдек, давлат барқарорлигида алоҳида ўрин тутуши кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** сиёсий иштирок, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва муносабатлар, сиёсий тарғибот, сиёсий қарорлар қабул қилиш, сиёсий ташвиқот, янгиланиш.

**Аннотация.** В статье анализируется значение и роль участия граждан в политических процессах в жизни государства и общества. Было показано, что активное участие граждан в политическом процессе в обществе играет особую роль в укреплении демократических принципов, а также в стабильности государства.

**Ключевые слова:** участие в политической жизни, социально-политические процессы и отношения, политическая пропаганда, принятие политических решений, обновление.

**Annotation.** The article analyzes the meaning and role of citizens' participation in political processes in the life of the state and society. It was shown that the active participation of citizens in the political process in society plays a special role in strengthening democratic principles, as well as in the stability of the state.

**Key words:** participation in political life, socio-political processes, and relations, political propaganda, political decision-making, renewal.

Ҳар қандай давлатнинг ривожланишида демократик тамойилларнинг роли алоҳида ўрин тутди. Бу жараён айниқса, XXI асрда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Боиси, глобаллашув ва ахборотлашув маконида фуқароларнинг сиёсий жараёнларга муносабати, иштироки муаммолари давлатнинг барқарорлигининг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ўринда айниқса, давлат сиёсатидаги сайловлар, фуқаролар иштироки ва сайловолди тарғиботлар муҳим ўрин тутди.

Сиёсий иштирок (ингл. participation) — асосан сиёсий фанлар шунингдек, социология фанида кенг қўлланилади. Унинг моҳияти фуқароларнинг сиёсий номзодларни танлаш ва сиёсий қарорларни қабул қилиш ва жамият ҳаётига жорий этишда фуқаролар иштирокини англатади. Сиёсий иштирокнинг асосий объектларидан бири сифатида сайловлар ҳамда сиёсий фаоллик, сиёсий мобилизацияларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Сиёсий иштирок тушунчаси 1972 йилда С.Верба ва Н.Най томонидан берилган бўлиб, унга кўра, **фуқароларнинг давлат ходимларини танлаш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида қонуний иштироки тушунилади**<sup>1</sup>. Тадқиқотчилар Милбрэт и Гоэл юқоридаги фикрларни давом эттириб, **фуқароларнинг давлат қонунла-**

**рини қабул қилиш ва қўллаб-қувватлашдаги иштирокидир дея тарифлашди**<sup>2</sup>.

Ш.Арноштейн, эса ўз асаридида фуқароларнинг сиёсий иштироки зинапояси(иерархия)ни ишлаб чиқиб, унга кўра, сиёсий иштирок бу фуқароларнинг сиёсий тоифалар танлашдаги иштирокидир деб таъкидлайди<sup>3</sup>. Сиёсий иштирокнинг умумий таърифлари қуйидаги уч жиҳатни ўзида жамлайди: фуқароларнинг аниқ бир сиёсий жараёнлардаги иштироки; фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги ихтиёрий равишдаги иштироки; сиёсий жараёнларга жалб этилган акторлар гуруҳининг фаолияти ҳисобланади. Давлат ва жамият муносабатлари ривожланиши оқибатида, сиёсий иштирокнинг янги кўринишлари хусусан, агрессив, пассив, давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлмаган сиёсий иштирок турлари шаклланди<sup>4</sup>. Кейинги даврда фуқароларнинг иштирокини фақат сиёсий жараёнларга эмас, балки уларнинг жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий жараёнларга бўлган муносабати алоҳида касб этмоқда. П.Норриснинг фикрича<sup>5</sup>, фуқаролар иштирокининг «citizen-oriented politics» кўриниши, яъни аниқ белгиланган сиёсий жараёнларда иштирокини англатса, «cause-oriented politics» кўриниши эса фуқароларнинг жамиятдаги бошқа ижтимоий муносабатларига таъсир этишга

1. Verba S., Nie N.H. Participation in America: Political Democracy and Social Equality. — New York: Harper and Row, 1972. — 428 p.

2. Milbrath L.W., Goel M.L. Political Participation: How and Why Do People Get Involved in Politics?. — Chicago: Rand McNally College Pub. Co., 1977. P. 234.

3. Arnstein S. R. A Ladder Of Citizen Participation // Journal of the American Planning Association. — 1969. — № 4. — P. 216-224.

4. Verba S., Nie N.H. Participation in America: Political Democracy and Social Equality. — New York: Harper and Row, 1972. — 428 p.

5. Norris P. Political Activism: New Challenges, New Opportunities // R. J. Dalton, H.-D. Klingemann The Oxford Handbook of Political Behavior. — New York: Oxford University Press, 2007. — P. 724-743.

қаратилган ҳаракати ҳисобланади. Шахснинг ўзи-га хос сиёсий типологияси Э.Баталов томонидан ўрганилиб, унга кўра киши сиёсий вазифаларини сиёсий макондаги жойлашувига қараб амалга оширади деб ҳисоблайди<sup>6</sup>. Ушбу маконнинг турли нуқталаридан сиёсий дунё ҳар хил кўринишдаги сиёсий иштирокчиларни шаклланишга олиб келади ва уларнинг айрим кўринишларини келтириб ўтаемиз:

**аҳолиси сиёсатга фаол** – ва барқарор қизиқиши йўқлиги билан бирлаштирилган оддий фуқаролардир. Шунга кўра, сиёсий ҳаёт у томонидан пастдан юқорига, шахсий манфаатлари ва тушунчаси призмаси орқали қабул қилинади;

**сиёсий раҳбар** (ҳукмрон сиёсатчи, ҳукмдор) – ҳокимият куч тузилмасининг қўйи қисмида жойлашган оддий инсонлардан фарқли ўлароқ, дунёга юқоридан қараб, фақат ўзининг умумий режасини қамраб олади;

**муҳолифатдаги сиёсатчи** – ҳукмрон сиёсатчи сингари, муҳолифатчи ҳам ҳокимиятда вертикалнинг энг юқори нуқтасида туради, амалдаги ҳукуматни бошқармайди, кузатади, баҳолайди, танқид қилади ва ҳукумат қарорлари учун муқобил вариантлар таклиф этади;

**саноат раҳбари** – бунда сиёсий муносабатларда алоҳида қатлам сифатида йирик бизнес раҳбарлари, тадбиркорлар, ҳарбий раҳбарлар, молиячи ва бошқа саноат раҳбарлари алоҳида ўрин тутаяди. Уларнинг барчаси сиёсий раҳбариятга бўйсунаяди ва шу билан ўз манфаатларини амалга оширади;

**давлат хизматчиси (расмий, бюрократ)** – ушбу гуруҳга минглаб, йирик мамлакатларда эса – кўплаб вазирлик, идора, кўмита ва аппаратларда ишлайдиган миллионлаб шахслар тоифаси киради;

**оммавий сиёсий фаол иштирокчилар** – сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, турли ижтимоий ташкилот, митинг ва намойишларнинг ажралмас иштирокчилари;

**шахсий фуқаролик позициясига эга фуқаролар** – буларга оммавий гуманитар ҳаракат аъзолари, хусусан, атроф-муҳит, инсон ҳуқуқлари, тинчликни сақлаш, маданий ҳаракатлар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролар сиёсий иштирокининг сусайиши ёки йўқлиги боис жамиятда тоталитар тизим шаклланишга олиб келади. **Сиёсий иштирок** даражаси одатда билвосита кўрсаткичлар – сиёсий тизимнинг ҳолати, унинг демократияси билан баҳоланади. Кўпгина Фарб сиёсатшунослари, агар сиёсий тизим қуйидаги-

ларни аниқласа, иштирок этишга асосланган деб ҳисоблайди. а) элитанинг мустаҳкам қонунийлиги (легитимлиги); б) унинг шаклланишга омманинг таъсири; в) сиёсатнинг асосий йўналишларини шакллантиришда омманинг бевосита ёки билвосита аралашuvi; д) элита омма томонидан назорат қилиниши; э) нуфузли маҳаллий бошқарув.

Инсон хулқ-атворини психологлар сиёсий иштирокнинг объектив кўрсаткичларини психологик кўрсаткичлар билан тўлдириш керак, деган хулосага келган ва қуйидагилар алоҳида таъкидланган: шахснинг ўз иштирокини тўғри англаши; сиёсатга аралашув ҳисси; иштирок этиш мотивацияси. **Сиёсий иштирок шахсни сиёсий муносабатлар тизимига жалб этиш даражасини акс эттиради**. Қадимги юнон файласуфи Антисфен: “Сиёсат – ёнғин кабидир: ўзингни ёқиб юбормаслик учун яқинлашма ва музлаб қолмаслик учун узоқлашма”<sup>7</sup>.

#### Сиёсий иштирокнинг илк кўринишлари

Фуқароларнинг сиёсий жараёнларга бўлган муносабатининг (иштироки) икки кўриниши мавжуд бўлиб, улар: «бефарқлар» (инг. *apathetics*) – сиёсий жараёнларга жалб этилмаган фуқаролар; «томашабинлар» (инг. *spectators*) – сиёсий жараёнларда пассив, яъни фақат кузатувчи сифатида иштирок этадиган фуқаролардир. Милбрэт ва Гоэлнинг фикрига кўра, америка жамиятидаги сиёсий иштирокчиларни «гладиаторлар» деб номланган учинчи кўриниши ҳам мавжудлигини таъкидлашган. Буларга сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчилари, хусусан, сиёсий активистлар, партия аъзолари, сайловолди ташвиқот гуруҳларини кўрсатиб ўтишадиган<sup>8</sup>. Тадқиқотчи олимлар Верба ва Най сиёсий иштирокнинг яна қўшимча равишда **фуқароларнинг овоз беришдаги иштироки, жамоадаги ва сайловолди штабдаги фаолияти ва сиёсий лидерлар билан учрашувларни ҳам кiritишадиган**<sup>9</sup>. Макс Вебер фуқароларнинг сиёсий иштирокларга жалб этувчи шахслар билан боғлиқ соҳалар классификациясини қуйидагиларга ажратади: **а) маълум бир жараёнлар билан боғлиқ иштирокчилар**: булар ўз сиёсий иштирокларини тўлиқ англамаган ҳолда, маълум бир муддатда фаолият кўрсатадилар. Буларга мисол сифатида овоз бериш тартибидан ташқари, сиёсий фаолиятга қизиқмайдиган сайловчиларни кўрсатиш мумкин. Референдумларда ёки бошқа оммавий сиёсий жараёнларда қатнашадиган одамлар

6. Баталов Э. Я. Проблема демократии в американской политической мысли XX века (из истории политической философии современности): монография - Москва: Прогресс-Традиция, 2010. С.34-39.

7. Антология кинизма. Антисфен, Диоген, Кратет, Керкид, Дион. Фрагменты сочинений кинических мыслителей / издание подготовил И. М. Нахов. Ответственный редактор А. А. Тахо-Годи. — М.: Наука, 1984. — С. 97—133.

8. Milbrath L.W., Goel M.L. Political Participation: How and Why Do People Get Involved in Politics?. — Chicago: Rand McNally College Pub. Co., 1977. P. 231.

9. Verba S., Nie N.H. Participation in America: Political Democracy and Social Equality. — New York: Harper and Row, 1972. — 428 p.

бундай иштирокчилар қаторига кириши мумкин; **б) бир вақтда олиб бориладиган иштирокчилар.** Бунда сайловлар ва референдумлардан ташқари, сиёсий ҳаётда ҳам иштирок этадилар, сайлов комиссияларининг аъзоларига айлана оладилар ва ҳоказо. Аммо сиёсат уларнинг асосий фаолият шакли эмас, улар ўзларининг асосий машғулоти билан "қўшилиб" шуғулланадилар; **в) касб-ҳунар бўйича иштирокчилар.** Бундай одамлар мақсадли сиёсий иштирок этишади, сайловларда қатнашадилар ва сиёсат учун аниқ мотивлар ва истакларга эга бўладилар<sup>10</sup>.

Сиёсий иштирок масаласига кенгроқ тўхталган олим Е.Вятрининг фикрича, **унинг классификациясида сиёсий жараёнларга кенг жалб этилган қатлам қуйидагилардан иборат:** активистлар – сиёсий жараёнлар билан бевосита манфаатлари бирга бўлиб, унинг турли қисмларида билвосита ва бевосита иштирок этадиган шахслар; **кузатувчилар** – сиёсий жараёнлар билан қизиқишлари мавжуд бўлиб, аммо унда бевосита иштирок этмасдан, кузатувчи мақомида воқеалар ривожини кузатадиган шахслар; **танқидчилар** – кузатувчилардан фарқли равишда жараёнлардан хабардорлиги билан ажралиб турувчи, тўғридан-тўғри таъсир ўтказадиган шахслар; **нофаол (пассив) иштирокчилар** – ушбу тоифа жараёнларда пассив иштирок этиб, фақат сайловда иштирок этиш билан чекланади ва ҳокимият томонидан ўз манфаатларига таъсир кўрсатувчи қарор, қонун ва ҳаракатлар бўлсагина фаоллашадиган шахслар; **сиёсийлашган иштирокчилар** – ушбу тоифа вакиллари пассив иштирокчилардан фарқли равишда, ўзларини сиёсий қарашларини фаол равишда ҳимоя қиладилар, аммо сиёсий бошқарувга хос муносабатларда бевосита иштирок этмайдилар<sup>11</sup>.

#### **Сиёсий иштирокнинг сабаблари (мотивация)**

Фуқароларнинг шахсий яшаш тарзини ўзгартиришга мўлжалланган ҳаракатлари: маълум бир мафкурага мансублик; рационал-ҳуқуқий мотив: жамиятдаги мавжуд сиёсий меъёрларга бўйсунуш; жамиятда ижтимоий мақомга мувофиқ ҳаракатлар; гуманистик мотивлар бўлиб, жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий тизимни такомиллаштириш масаласи; жамиятда ижтимоий тенгликка интилиш; ижтимоий нафақаларни тақсимлашга, моддий ва ижтимоий имтиёزلардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга интилиш; депривация – мавжуд давлат бошқарувидан норозилик ҳаракати кабилар сиёсий иштирок мотивацияси ҳисобланади.

Сиёсий ҳаракатлар табиати бўйича шартли равишда иккига бўлинади **анъанавий** ва **ноанъанавий**. Жамиятнинг сиёсий соҳаси институтлар томонидан тушунтириладиган (сайлов, референдум, митинг ва намойишларда қатнашиш, фуқароларнинг давлат хизматчиларига мурожаатлари) ҳаракатлари деб тушунилади. Олимлар Верба, Найларнинг таққослаб ўрганишларига кўра, либерал демократик давлатда сиёсий иштирок этиш даражаси нисбатан паст эканлиги, шунингдек, уларнинг иштироки турли хил даражадалиги кўрсатиб ўтилган<sup>12</sup>.

#### **Сиёсий иштирокнинг факторлари**

Фуқароларнинг жамият ҳаётида иштирокининг турли хил сабаблари мавжуд бўлиб, улар инсоннинг шахсий манфаатларига боғлиқдир. Фуқаролар сиёсий иштирокининг асосий сабаби – уларнинг ижтимоий статуси билан боғлиқ, хусусан **жамиятдаги яшаш шароити, даромадига бориб тақалади.** Жамиятда юқори статусга эга бўлган шахсларнинг сиёсий иштироки юқори бўлиб, улар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланган бўлади. Уларнинг статуси бевосита таълим олганлик ва малум бир моддий ресурсларга эга эканлиги билан ҳам ифодаланади.

Жамиятда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга бўлган муносабатлари доимий равишда ўзгарувчанликка мойил. Шунинг учун сиёсий фаоллик билан бир қаторда сиёсий иштироксизлик бирга кузатилади. Ана шулардан бири, жамият ҳаётида демократизация жараёни билан боғлиқ бўлиб, янги қонунлар асосида сиёсий тизимнинг шаффофлиги таъминланиб, аввалги тизимнинг муаммолари аниқланади. Жамиятда сиёсий фаолликнинг сусайишига олиб келган сабабларидан бири – давлат бошқарув аппаратидаги бюрократиядир. Бюрократик аппарат жамоат ҳаётини тартибга солувчи вазифаларнинг аксарият қисмини ўз зиммасига олади ва фуқароларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

Америкалик сиёсатшунос А.Марш сиёсий иштирокни иккита асосий шаклга ажратади: **а) анъанавий иштирок этиш** – сиёсий фаолиятнинг сиёсий тизим нормаларига мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган сиёсий иштирок ҳисобланиб, мавжуд нормалардан келиб чиқади. **б) анъанавий бўлмаган иштирок** – бунда сиёсий фаолиятнинг сиёсий тизимда мавжуд бўлган меъёрларга (руҳсатсиз митинг, намойиш, бойкот, очлик эълонлари, биноларни эгаллаб олиш, гаровга олиш ва ҳ.к.) мос бўлмаган сиёсий иштирок шакли тушунилади<sup>13</sup>.

10. Вебер М. История хозяйства: Очерк всеобщей социальной и экономической истории. — Пг.: Наука и школа, 1923. — 240 с.

11. Вятр Е. Й. Социология политических отношений / Пер. В. Скляр, А. Николаев. — М.: Прогресс, 1979. — 464 с.

12. Verba S., Nie N.H. Participation in America: Political Democracy and Social Equality. — New York: Harper and Row, 1972. — 428 p.

13. Marsh D. New Forms of Political Participation: Searching for Expert Citizens and Everyday Makers // British Journal of Political Science. — 2008. — № 38. — С. 247-272.

Шунингдек, сиёсий фанларда фуқаролар мақсадининг турли туманлиги нуқтаи-назаридан пассив иштирок (сиёсатга қизиқиш мавжуд, ammo сиёсий жараёнларда иштирок этишда бефарқлик), **конформистик иштирокчилар** (мавжуд сиёсий тизим ва унинг “манфаатидан қатъий назар” қарор ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш (оломонда иштирок этиш) ҳолати), **ислоҳот ва фаолларнинг иштироқи** (норозилик ҳаракати шакли, улар орасидаги фарқлар мақсад ва ҳаракат усулларини танлаш) каби турларга ажратилади. **Фаолларнинг иштироқи янада радикал** (тубдан ўзгартиришга мойил) ва сиёсий тизимдаги сифат ўзгаришларига қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Сиёсий фанларда сиёсий иштирокнинг таърифлари ҳар-хил. Бу инсон омили, яъни унинг қарашлари, манфаатлари ўзгарувчанлиги билан изоҳланади. Сиёсий иштирок яна автоном ва сафарбарлик турларига ҳам бўлинади. **Автоном иштирок** – бу шахсий ва гуруҳ манфаатларини кўзлайдиган шахсларнинг эркин ихтиёрий фаолияти ҳисобланади. **Сафарбарлик иштироки** – мажбурияти билан бошқа сиёсий иштирокдан ажралиб туради. Бунда қўрқув, маъмурий мажбурлаш, урф-одатлар ва бошқалар сиёсий фаолиятни рағбатлантирувчи омилга айланади. Қоида тариқасида шуни таъкидлаш керакки, сафарбарлик иштироки фақат сиёсий тизимни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, унинг мақсади **ҳукмрон элитага содиқлик, миллий бирлик ва амалдаги сиёсатни** тасдиқлашдир. Бундай иштирок ҳеч қачон гуруҳ манфаатларини амалга ошириш воситаси эмас балки, айрим шахслар манфаати билан боғлиқ ҳисобланади. Жамиятда мавжуд ижтимоий-сиёсий омиллар сиёсий иштирок хусусиятларига таъсир қилади. Сиёсатшунос, А.Маршнинг таъкидлашича, аёллар эркакларга нисбатан янги хатти-ҳаракатларга кўпроқ мойил бўлишади<sup>14</sup>. Фуқароларнинг сиёсий фаолиятига асосан таълим таъсир қилади, чунки, фуқаролар билим даражасининг ўсиши билан жамиятда сиёсий фаоллик ошади. Ёшларга хос бўлган сиёсий иштирок шаклларини танлаш бу жамият тараққийнинг асосидир. Маълумки, ёшлар сиёсий иштирокнинг радикал шаклига мойил бўлиб, балоғат ёшида эса конформистик (келишувчанлик, қўллаб-қувватлаш) хатти-ҳаракатлар кузатилади.

**Фуқароларнинг иштироқи даражаси ҳар бир демократик мамлакат учун муҳим кўрсаткичдир.** Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси дунё мамлакатларининг демократия бўй-

ича ривожланиш даражасини ўрганади ва уларни таснифлайди. Сўнгги тадқиқотлар 2020 йили 165 та давлатни ўз ичига олган. Ушбу тадқиқот Британиянинг Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси томонидан амалга оширилади. Биринчи ўрганишлар 2006 йилдан бошланди ва ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. EIU методологиясига кўра, мамлакатлар 10 балли шкалада баҳоланади ва умумий балл тўрт турдаги режимларга бўлинган демократия даражасини аниқлаш учун қўлланилади. Агар мамлакатнинг умумий рейтинги 8 балдан юқори бўлса, мамлакат “тўлиқ демократия” деб белгиланади, агар 6 дан 8 гача бўлган баллар бўлса “номукамал демократия”, 4 дан 6 баллгача – “гибрид режим”, 4 тадан кам бўлса – “авторитар бошқарув” деб юритилади. Мамлакатларни таснифлашда 5 тоифага (сайлов жараёни ва плюрализм; ҳукумат фаолияти; сиёсий иштирок; сиёсий маданият; фуқаролик эркинликлари) бирлаштирилган 60 хил кўрсаткичлар (индикаторлар) ҳисобга олинади. 2020 йилги рейтингда Ўзбекистон **2,12 балл** тўплади. Бунга сабаб Демократия индексининг **“Сиёсий иштирок”** кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон **2,22 баллдан 2,78 балл**га ошганлигидир. Ўзбекистон категориялар кесимида энг юқори кўрсаткични “сиёсий маданият” ва “сиёсий иштирок” йўналишлари бўйича эгаллади, паст кўрсаткичлари эса “сайлов жараёни ва плюрализм”, “ҳукумат фаолияти” ва “фуқаролик эркинликлари” йўналишларида бўлди. Ушбу индекслар кўрсаткичларини ошириш давлат сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, давлат тараққийетида фуқароларнинг сиёсий иштироки, уларнинг жамият ва давлат муносабатлари ҳақидаги фикрлари унинг келгусидаги тараққийети учун муҳим. Ривожланган мамлакатларнинг сиёсий тизимини мустаҳкамлашда асосий рол тутувчи сайловларда фуқароларнинг иштироки масаласи аслида шу давлатнинг кейинги тараққийетида ўзига хос ўрин эгаллаши табиий. Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларнинг жамиятнинг турли жабҳаларида ўзларини намоян этиши билан бирга, муаммоларга тўғри ёндашувини, самарали бошқарув тизими ва элитасини шаклланишига олиб келади. Бу эса сайловларнинг демократик руҳда ўтишини, энг асосийси шу давлат ва жамиятда демократия тамойилларини мустаҳкамлашда, фуқароларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилашга хизмат қилади, зеро кучли давлат асосида кучли халқнинг танлови ётади.

14. Marsh D. New Forms of Political Participation: Searching for Expert Citizens and Everyday Makers // British Journal of Political Science. — 2008. — № 38. — С. 247-272.

**Абдуҳалим ЖАМИЛОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтини етакчи илмий ходими

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси миллий парламентининг ривожланиш босқичлари, шаклланишининг ҳуқуқий асослари, шунингдек парламент сайловларида сиёсий партияларнинг иштироки ёритилган. Бундан ташқари, сўнги йилларда парламент фаолиятида амалга оширилаётган ислохотлар акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** Конституция, Олий Кенгаши, Олий Мажлис, сиёсий партиялар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются этапы развития национального парламента Республики Узбекистан, правовые основы его формирования, а также участие политических партий в парламентских выборах. В ней также анализируются реформы, которые произошли в парламенте за последние годы.

**Ключевые слова:** Конституция, Верховный Совет, Олий Мажлис, политические партии, нормативные правовые акты.

**Annotation.** This article reveals the stages of development of the national parliament of the Republic of Uzbekistan, the legal basis for its formation, as well as the participation of political parties in parliamentary elections. It also reflects the reforms that have taken place in parliament in recent years.

**Key words:** Constitution, Supreme Council, Oliy Majlis, political parties, normative legal acts.

Мустақиллик мамлакатимизда ҳақиқий демократик парламентнинг шаклланиши учун сиёсий-ҳуқуқий замин яратди. Бунинг натижаси ўлароқ инсон манфаатлари устуворлиги йўлида қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган демократик миллий парламент шаклланди. Дастлаб бир палатали парламент ёш мустақил давлатнинг демократик сиёсий тизими, адолатли фуқаролик жамияти, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалари ҳуқуқий негизини яратишга, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга, миллий давлатчилик пойдеворини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу даврда Конституциямиз қабул қилинди, халқимизнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизимига ҳуқуқий замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланади. Сўнги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида давлат ҳокимияти органлари тизимида унинг роли ва таъсири янада кучайди. Мазкур мақолада миллий парламентимиз ривожланишини тўрт босқичли даврга бўлиб ўрганишга ҳаракат қилдик.

### Биринчи давр – 1991-1994 йиллар

Биринчи даврни ўз ичига олган 1991-1994

йилларда бир палатали Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши фаолият кўрсатди. Ушбу даврнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу даврда демократик сиёсий тизимларнинг асосини ташкил этадиган сайланадиган эркин парламентни шакллантириш, янги Конституция, ҳуқуқлар ва эркинликларни кафолатловчи қонунлар қабул қилиш жараёни бошланди. Сайлов кампаниясини демократлаштириш, уни ривожлантириш, сайлов жараёнларини ташкил этиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди<sup>1</sup>.

### Иккинчи давр – 1995-2004 йиллар

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ (ушбу қонун Сайлов кодекси қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган)<sup>2</sup>

1. <https://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>

2. <https://lex.uz/docs/70937>

1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

1995 йилда Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти – Олий Мажлис шакллантирилди ва ушбу парламент таркибини Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, “Ватан тараққиёти” партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, шунингдек ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзодлар ташкил этди<sup>3</sup>.

Иккинчи даврнинг энг муҳим жиҳати, бу даврда сайлов қонунчилигини ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон сайлов тизимининг асосий субъектлари сифатида сиёсий партияларнинг мақоми белгиланиши бўлди. Шунингдек, бу даврга келиб, депутатликка номзодларнинг сайлов жараёнларида иштирокининг молиявий масалаларини ҳал этишга оид нормалар ўз аксини топди.

1995-2004 йилларда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”-ги, “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган нормалар янада мустаҳкамланди.

Иккинчи чақириқ (2000-2004 йиллар) парламент сайловларида “Фидокорлар” миллий-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, “Ватан тараққиёти” партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари ва мустақил номзодлар иштирок этишган.

Олий Мажлис таркибида сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар блокларидан ташқари 13 та кўмита, шунингдек, 3 та доимий комиссия: Регламент, одоб ва депутатлар фаолияти таъминоти, Оила ва аёллар муаммолари, Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиялари ҳам фаолият кўрсатган. 1995-2004 йиллардаги фаолияти давомида Олий Мажлис томонидан 240 та қонун ва 778 та қарор қабул қилинган, амалдаги қонун ҳужжатларига 1573 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган, 130 тадан зиёд халқаро шартнома ва битимлар ратификация қилинган<sup>4</sup>.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, бу даврга келиб Ўзбекистон тарихида жаҳон тажри-

баси амалиётдан фойдаланган ҳолда эркин ва адолатли сайловлар ўтказилишини, парламентаризм тамойиллари ва мамлакатда демократик ўзгаришларнинг муҳим кафолатини таъминлайдиган демократик сайлов тизими яратилди. Миллий парламентимизнинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатидаги роли янада ошди.

### Учинчи давр – 2005-2016 йиллар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонунига<sup>5</sup> асосан парламент икки палатадан иборат бўлиши белгиланди. Икки палатали парламентга ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш асосида амалга оширилган конституцион ислохотлар, шунингдек, асосий конституциявий қонунлар қабул қилиниши натижасида Қонунчилик палатасига икки босқичдан иборат бўлган сайловлар ўтказилди. Ушбу сайловда “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Фидокорлар” миллий-демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон халқ-демократик партияси вакиллари ва мустақил ҳамда партиясиз номзодлар иштирок этди.

2005 йилдан янги икки палатали парламентда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзолари қўшма мажлислари фаолият бошлади. 2008 йилда “Фидокорлар” миллий-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси ягона ном остида бирлашди. 2009-2010 ва 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига навбатдаги чақириқ сайловлари бўлиб ўтди. Ушбу сайловларда “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан кўрсатилган номзодлар иштирок этди.

Икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партиялар фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш ва Қонунчилик палатаси

3. <https://senat.uz/uz/about/history>

4. <https://senat.uz/uz/about/history>

5. <https://lex.uz/docs/51255>

ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этишда соҳа вакиллари, экспертлар ва жамоатчилик фикрини эшитиш амалиёти шаклланди.

### Тўртинчи давр – 2017 йилдан

Бу даврда миллий парламентимиз фаолиятида туб бурилишлар даври бўлди. Парламент чинакам “халқ уйига” айланди, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва ҳаётийлиги ошди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисига Мурожаатнома тақдим этилди. 2017 йилнинг 29 декабрида Президентимиз ташаббуси билан парламент фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш, парламентнинг қонун ижодкорлиги ишлари сифатини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди.

Шунингдек ушбу даврда парламентимизнинг бир қатор халқаро парламентлараро ташкилотлар билан алоқалари йўлга қўйилди. 2017 йилда Парламентлараро Иттифоқ, 2018 йилда ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси билан самарали халқаро алоқалар сиёсати амалга оширилиб, қисқа муддат ичида кўплаб нуфузли парламентлараро бирлашмаларнинг фаол иштирокчисига айланди. Шунингдек, 30 га яқин давлатлар билан парламентлараро гуруҳлар орқали самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳлари сони 2016 йилга нисбатан деярли беш баробар ошди ва 2021 йилда 52 тани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепциясини тасдиқлаш орқали Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини шакллантиришдаги ролини ошириш ҳамда халқаро майдонда мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ташаббусларини илгари суришга оид ишларни самарали ташкил этиш учун ҳуқуқий механизм яратилди.

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари ва Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари лавозимлари таъсис этилганлиги бўлди. Бу

орқали парламентнинг мамлакат ташқи сиёсатидаги роли янада мустаҳкамланди.

2018 йилдан парламент фаолияти тарихида илк бор “ҳукумат соати” – Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш институти жорий этилди.

2019-2020 йилларда “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтди. Унда Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон экологик партиясидан кўрсатилган номзодлар иштирок этди.

Бугунги кунда парламент фаолиятида олиб борилаётган ислохотлар парламент фаолиятини самарали ташкил этиш, норма ижодкорлигини такомиллаштириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, парламент фаолиятини янада такомиллаштириш учун бир қатор вазифалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолияти очиқлигини янада кучайтириш ҳамда парламентнинг халқ билан мулоқот йўналишидаги фаолиятини такомиллаштириш; маҳаллий бюджетларни шакллантиришда очиқликни таъминлаш ва бу жарёнда халқ депутатлари Кенгаши ролини ошириш; ижро ҳокимияти устидан таъсирчан парламент назорати механизмларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; Сенат томонидан қонунларни кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш, унинг қонун ижодкорлигидаги роли ва ташаббускорлигини ошириш; давлат дастурларини шакллантиришда халқ вакиллари ролини кучайтириш; ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар ролини ошириш; Олий Мажлис палаталари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш; Олий Мажлисининг Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилишдаги ролини кучайтириш; халқ депутатлари Кенгашининг ижро органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш орқали миллий парламентимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва масъулиятини ошириш мумкин.

6. Учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида ахборот 2019 й, 37 б.

7. Учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида ахборот 2019 й, 18 б.

**Валишер ДАВЛЯТОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтининг бош илмий ходими, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

## АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИГА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

**Аннотация.** мақолада мамлакатимизда мустақиллик йилларида адвокатура институтининг давлат органи мақомидан ўзини ўзи бошқариш тизимига эга бўлган адвокатларни бирлаштирувчи ягона марказлашган ташиқлот сифатида тадрижий шаклланиши тенденцияси илмий-амалий нуқтаи назардан асослантирилган. Бунда адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришни тўлиқ таъминлаш бошқарувнинг мақбул шакли эканлиги ҳақидаги хулосага келинган. Ўзини ўзи бошқариш адвокатурани давлат ҳокимияти таъсиридан бутунлай озод этмаслиги, ҳуқуқий ҳужжат орқали давлат ўз таъсирини доимо сақлаб туриши ҳақидаги тўхтамга келинган. Адвокатурада ўзини ўзи бошқариш ва мустақиллик принципларининг ўрни ёртилган.

**Калит сўзлар:** адвокатура, ўзини ўзи бошқариш ва мустақиллик принциплари, адвокатлар ҳамжамияти, мажбурий аъзолик, қонунчилик.

**Аннотация.** В статье с научно-практической точки зрения обоснована тенденция последовательного формирования института адвокатуры, имевшей статус государственного органа, в качестве единой централизованной организации, объединяющей адвокатов с системой самоуправления, за годы независимости в нашей стране. В статье делается вывод о том, что обеспечение полного самоуправления в институте адвокатуры является приемлемой формой управления. В то же время было заключено, что самоуправление не освобождает полностью институт адвокатуры от влияния государственной власти, и что государство постоянно поддерживает свое влияние посредством правового документа. Также было освещено место принципов самоуправления в адвокатуре и независимости.

**Ключевые слова:** адвокатура, принципы самоуправления и независимости, сообщество адвокатов, обязательное членство, законодательство.

**Annotation.** The article substantiates from a scientific and practical point of view the tendency of the institute of advocacy in our country during the years of independence from the status of a state body to the gradual formation of a single centralized organization uniting attorneys with a system of self-government. The article concludes that full self-governance at the institute of advocacy is an acceptable form of governance. At the same time, it was concluded that self-government does not completely free the institute of advocacy from the influence of state power, and that the state maintains its influence at all times through a legal document.

**Key words:** advocacy, principles of self-government and independence, community of lawyers, compulsory membership, legislation.

Адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти билан боғлиқ масалаларни илмий тадқиқ этиб ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашда унинг энг муҳим ва ўзига хос хусусиятларидан бири бу ўзини ўзи бошқариш институтининг билан чамбарчас боғлиқлигидир. Шу боис, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев «...адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт»<sup>1</sup> деб таъкидлашлари ҳам бежиз эмас.

Юридик энциклопедик лугатларда қайд этилишича, «ўзини ўзи бошқариш»<sup>2</sup> тушунчаси бир қатор ижтимоий фанлар, сиёсатшунослик, фалсафа ва конституциявий ҳуқуқда фойдаланиладиган категория бўлиб, унинг моҳияти шундаки, бунда шахслар ҳаётининг муҳим масалаларни биргаликда ҳал этиб, умумий бошқарувда иштирок этиши назарда тутилади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан адвокатура институтининг бошқаришнинг моҳиятига оид турли ёндашувлар мавжуд.

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2019 йил 8 декабрь.

2. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик лугат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б.Мустафоев – Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. Б. 530-531.

Масалан, В.М.Ануфриев ва С.Н.Гаврилов «адвокатура ички ташкилий тузилишига эга бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин, ёхуд учта тоифанинг бирида, хусусан давлат хизматида, интизомий таъсир чорасини қўллаши мумкин бўлган ўзини ўзи бошқарувда ёки суд таркибида бўлиши мумкин»<sup>3</sup>, деб фикр билдирган бўлса, М.Ю.Барщевский адвокатура аввал бошиданок ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот бўлган<sup>4</sup>, деган ғояни илгари сурган.

Фикримизча, юридик ва жисмоний шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатуранинг фаолият юритиши ҳақидаги конституциявий норма ҳамда адвокатуранинг мустақиллигини таъминлаш лозимлиги ҳақидаги илмий назария таҳлилдан келиб чиқиб, адвокатура институтининг ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот эканлигини қайд этиш жоиз. Шу маънода А.В.Воробьев, А.А.Поляков, Ю.В.Тихонравовларнинг адвокатлик фаолияти касбий мустақиллигининг асосий кафолати ўзини ўзи бошқаришдир<sup>5</sup>, деб билдирган фикрлари ўринлидир.

Фикримизча, адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти адвокатурага оид масалаларни ҳал этишда давлат ҳокимиятининг «ортиқча» таъсири ва аралашувидан холи бўлишни англатади. Е.В.Седлова адвокатлик ҳамжамиятида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишда адвокатуранинг давлат ва унинг органлари билан ҳамкорлиги одил судловни амалга оширишда, жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилишда намоён бўлади. Мамлакатимизда адвокатларнинг илк бор ҳамжамият сифатида шаклланиш жараёни ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланди.

Мазкур даврда мамлакатимизда адвокатларни бирлаштирувчи ягона марказлашган органнинг мавжуд эмаслиги адвокатура институтининг нуфузи ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Адвокатурани бошқариш бўйича етарли тажрибанинг мавжуд эмаслиги корпоратив бошқарувнинг мақбул шаклини аниқлашда қийинчилик туғдирган. Адвокатлар ҳамжамияти, яъни уларни бирлаштирувчи ягона марказлашган тизим ўз-ўзидан вужудга келган эмас. Мамлакатимизда давлат мустақиллигига эришилган пайтдан бошлаб, адвокатура институтининг давлат органи мақомидан ўзини ўзи бошқариш ваколатига эга ташкилот сифатида шаклланиши тенденцияси босқичма-босқич ривожланиб борган.

Айни пайтда, адвокатуранинг мустақилли-

гини таъминламасдан туриб, адвокатларнинг мустақиллигини тасаввур этиб бўлмайди. Агар адвокатура институтида ўзини ўзи бошқариш хусусияти мавжуд бўлса, у адвокатура ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминланган, деган хулосага келиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўзини ўзи бошқариш адвокатларни давлат ҳокимияти таъсиридан бутунлай озод этмайди. Давлат унинг органлари тимсолида у ёки бу субъектга қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш билан ўз таъсирини доимо сақлаб қолади. Г.М.Резник тўғри таъкидлаганидек, «адвокатурани давлат таъсиридан мутлақо холи бўлган институт, деган ҳаёлий фикрлардан халос бўлиш керак. Адвокатурада оммавий-ҳуқуқий мақомнинг белгилари, одил судловнинг таркибий қисми бўлмиш жиноят ишларида малакали ҳимоя, фуқаролик ишларида эса вакиллик мавжуд. Шу сабабли адвокатура давлат назоратидан бутунлай холи бўлиши мумкин эмас»<sup>6</sup>. Айтиш лозимки, давлатнинг адвокатура институтига ўзига хос ёндашувини қайси ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлар, қандай шакл ва усулларда йўл қўйилишининг илмий, назарий ва амалий томонларини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, талабгорларни соҳага қабул қилиш, адвокатларга нисбатан интизомий ишларни юритиш, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва бошқа «нуқталар»да давлат органларининг иштироки даражасини белгилаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, адвокатурага юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлиги давлатнинг доимий диққат марказида бўлиб келган.

Шу боис, ҳуқуқшунос олим Б.Саломовнинг адвокатурада ўзини ўзи бошқариш адвокат ва унинг фаолияти мустақиллигини, шахсга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига рухсат беришни, адвокатлик мақомига эга бўлиш, уни тўхтатиш ва бекор қилишга йўл қўймаслик кафолатларини, адвокат профессионал фаолиятининг ташкилий шакллари (якка тартибда ёки ёлланма) мустақил танлаш ҳуқуқини тан олишни назарда тутати<sup>7</sup>, деб билдирган фикрига қўшилаемиз.

Фикримизча, адвокатура давлат ҳокимияти органларидан мустақил эканлиги унинг мақсади эмас, бу ҳолат давлат органлари билан ҳамкорликни инкор этмайди. Давлат органлари адвокатларнинг ўзи мустақил ҳал эта олмайдиган масалалар,

3. Ануфриев В. М., Гаврилов С. Н. Организация и деятельность адвокатуры в России. - М., 2001. - С. 42.

4. Барщевский М. Ю. Организация и деятельность адвокатуры в России. - М, 1997. - С. 6.

5. Воробьев А.В., Поляков А.А., Тихонравов Ю.В. Теория адвокатуры – М.: Грантъ, 2002. – С. 278.

6. Резник Г.М. Закон об адвокатуре как жертва конфликта интересов // Рос. юстиция. 1998. № 3. С. 24.

7. Саломов Б. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолар). ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс..., 12.00.11. Т.: ТДҲЮИ, 2005, Б.100.

чунончи, тайинлов асосидаги юридик ёрдам кўрсатганлик учун компенсация тўлаш, солиққа тортиш, касбий ва ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа шу каби масалалар юзасидан ҳамкорлик қилиши го-янда муҳим саналади.

Юридик адабиётларда давлат органларининг адвокатурага аралашуви унинг табиатига мутлақо зид деган нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Масалан, Р. Мюллерат «агар адвокатлар ўзларига юклатилган барча касбий мажбуриятларни бажарса, давлат органларининг улар фаолиятини тартибга солишдаги иштироки ортиқча. Ўзини ўзи бошқариш адвокатларнинг давлат кўрсатмаларидан сақланишига кўмаклашади. Адвокатларга берилган мустақиллик уларга ўзини ўзи бошқариш мажбуриятини юклайди. Улар ўз манфаатлари ёки адвокатуранинг мақсадига эмас, балки жамият манфаатларига хизмат қиладиган бошқарувни таъминлашга мажбур»<sup>8</sup>, деб фикр билдирса, В.А.Вайпан «малакали юридик ёрдам кўрсатиш бўйича адвокатурага юкланган вазифаларни амалга оширишда давлат адвокатурани якка-ёлғиз қолдирмайди, чунки бундай бўлиши мумкин ҳам эмас»<sup>9</sup>, деган го-яни илгари суради.

Фикримизча, давлатнинг адвокатурани тартибга солиш масаласидаги иштироки нормал ва зарур эканлигини тан олишимиз керак. Мазкур ҳолат адвокатура институтининг самарали фаолият юритишига, давлат органларининг адвокатура институтининг ички ишларига асоссиз аралашидан ҳимоя қилишга қаратилган. Шу боис мамлакатимизда адвокатурага оид масалаларни имкон қадар қонун даражасида тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, давлатнинг иштирокида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда давлатнинг аралашуви адвокатларнинг ўз касбий фаолиятини бажаришда уларнинг эркинлигини чекламаслиги ҳамда адвокатлар ўзини ўзи бошқариш органининг адвокатлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси вазифасини амалга оширишига тўсиқ бўлмаслиги лозим. Мазкур фикрни адвокатурага оид халқаро ҳужжатлар билан ҳам асослаш мумкин. Хусусан, «Адвокатларнинг роли тўғрисидаги асосий қоидалар»<sup>10</sup> да адвокатларнинг

касбий бирлашмалари ўз аъзоларининг касбий стандартлари ва этика қоидаларини таъминлашда ҳаётий муҳим рол ўйнаши, ўз аъзоларини таъқиблар ҳамда асоссиз чекловлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиши, одил судлов ҳамда жамият манфаатларига эришиш учун давлат ва бошқа институтлар билан ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Фикримизча, ўзини ўзи бошқариш давлат ва адвокатура ўртасидаги манфаатлар мувозанати норма ижодкорлиги фаолияти, адвокатларнинг касбий ва ижтимоий ҳимояси, малака комиссияларининг фаолияти, намунавий ҳужжатларни қабул қилиш, солиқ ва бошқа шу каби масалалар орқали таъминланиши лозим. Зеро, адвокатурани давлат органлари томонидан тўлиқлигича тартибга солиш, назорат қилиш мумкин эмас<sup>11</sup>. Бинобарин, Е.В.Седлова «ўзини ўзи бошқариш деганда адвокатлик ҳамжамиятида вужудга келадиган муносабатларни мустақил равишда тартибга солишни таъминлашга қаратилган қоидалар йиғиндиси тушунилиши, ўзини ўзи бошқариш адвокатлар томонидан сайлаб қўйиладиган органлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар асосида амалга ошиши»<sup>12</sup> лозим деб қайд этган. Фикримизча, давлатнинг адвокатурага нисбатан сиёсати адвокатуранинг давлат органларига бўйсунуши эмас, балки ўзаро тенглик ва ҳамкорлик муносабатлари асосида қурилиши лозим.

Илмий-назарий таҳлиллар асосида адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришга қуйидагича таъриф бериш мумкин: адвокатура институтида ўзини ўзи бошқариш деганда адвокатлар томонидан сайлов йўли билан шаклланган ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан адвокатларнинг касбий муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишга, соҳадаги бошқарувни амалга оширишга қаратилган фаолияти тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти шундан иборатки, адвокатлик ҳамжамиятида вужудга келадиган муносабатларни мустақил тартибга солишни таъминлаш, шу билан бирга, бу борада давлат билан ҳамкорлик қилиш адвокатура институтининг самарали фаолият юритишининг муҳим шартидир.

8. Myllerat R. Замечания к проекту Закона РФ «Об адвокатской деятельности и адвокатуре в РФ» // Адвокатские вести, 2001 г., №12, С. 9-10.

9. Вайпан В.А. Настольная книга адвоката: постатейный комментарий к Федеральному закону об адвокатской деятельности и адвокатуре, нормативно-методические материалы М.: ЗАО Юстицинформ, 2006. С. 69.

10. БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Саккизинчи конгресси (Гавана, Куба 1990 йил 27 август – 7 сентябрь) томонидан қабул қилинган. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/role\\_lawyers.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/role_lawyers.shtml)

11. Воробев А.В., Поляков А.А., Тихонравов Ю.В. Теория адвокатуры М.: Грантъ, 2002. – С. 176-177.

12. Седлова Е.В. Организация адвокатуры и адвокатской деятельности: учеб. пособие / Е.В.Седлова; ВГЮА (РПА Минюста России). – М.: ВГЮУ (РПА Минюста России), 2015. С. 19.

**Саидахмад ИШАНХОДЖАЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари  
институтининг бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

## ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташқи меҳнат миграция масалаларини тизимли ҳамда институционал ҳал этишнинг устувор йўналишлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** ташқи меҳнат миграцияси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, концепция, меҳнат мигрантлари, меҳнат атташелари, рекрутнинг компаниялар, махсус касса, преференция, имтиёзлар.

**Аннотация.** Данная статья основана на анализе внешней трудовой миграции, исходя из поставленных задач в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан, и выдвигаются приоритетные предложения по совершенствованию институциональных и нормативно-правовых актов.

**Ключевые слова:** внешняя трудовая миграция, нормативно-правовой акт, концепция, трудовые мигранты, трудовой атташе, рекрутинговые компании, специальные кассы, преференции, льготы.

**Annotation.** This article is based on the analysis of external labor migration, based on the tasks set in the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan, and it puts forward priority proposals for improving institutional and regulatory legal acts.

**Key words:** foreign labor migration, legal document, concept, labor migrants, labor attaches, recruitment companies, privileges, special cash desks, preferences, privileges.

Дунёдаги миграциявий жараёнларнинг тобора кескинлашувига аҳолининг ўсиши, турли минтақалардаги сиёсий инқироз ва ҳарбий низоларнинг мавжудлиги, турли давлатларда рўй бераётган табиий офатлар, глобал пандемия ва техноген хусусиятдаги офатлар, ривожланаётган мамлакатларда иш ўринларининг етишмаслиги ҳамда иш ҳақининг инсонлар кундалик эҳтиёжларини қондириш даражасининг ўта пастлиги, ёшлар орасида ишсизликнинг юқори даражада сақланиб қолиши каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон иқтисодиётига ҳамда халқаро меҳнат бозорига жадал суръатларда интеграциялашувни амалга оширмоқда. Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотига кўра, дунё бўйича қарийб 272 миллион кишини ташкил этадиган халқаро мигрантларнинг учдан икки қисми (жаҳон аҳолисининг 3,5 фоизи) меҳнат мигрантлари ҳисобланади<sup>1</sup>. 2019 йилда мигрантларнинг расмий пул ўтказмаларининг умумий миқдори 689 млрд АҚШ долларидан ошиб кетганлиги ушбу соҳага жаҳон ҳамжамиятининг эътибори кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолиси 34,5 млн кишини ташкил этиб, йилига ўртача 700 минг киши (2020 йилда 637 минг)га кўпаймоқда. Статистик маълумотларга асосан 2020 йил якуни бўйича шакллантирилган меҳнат ресурслари балансида республикада ишсизлик даражаси ўртача 11 фоизни ёки 1 миллион 642 минг кишини ташкил этмоқда. Ҳисобот йилида халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида 378 минг иш ўрни яратилган, шунингдек, республика ташқарисига чиқиб кетганлар сони 1 млн 840 минг кишини ташкил этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солишга қаратилган янгича ёндашув ва муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармонида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурининг 204-бандида, “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳамда ташқи меҳнат миграцияси

1. [https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr\\_2020-ru.pdf](https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf)

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 2020 йилларда амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботи.

бўйича ваколатли давлат органларига янги вазифалар белгиланганлигида намоён бўлмоқда. Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 9 бандига асосан хорижга ишлаш учун жўнаб кетаётган фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳузуридаги махсус кассаларда авиа ва темир йўл чипталарининг имтиёзли нархларда сотуви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармонининг 3-банди иккинчи хатбошисида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун жўнаб кетаётган ўзбекистонлик фуқароларга 2 000 000 (икки млн сўм) гача микроқарз бериш ҳамда ушбу қарорнинг учинчи хатбошисида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳамда ишга жойлашиши билан боғлиқ хавфларни суғурталаш механизмлари амалиётга татбиқ этилди.

Шунингдек, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграция тизимини йўлга қўйиш бўйича Ташқи ишлар, Адлия, Ички ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Маданият, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Марказий банк, Давлат статистика, Туризмни ривожлантириш қўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, Ёшлар ишлари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентликлари, Россия Федерацияси ва Қозоғистондаги субъектлар, хориждаги иш берувчилар, ватандошлар ташкилотлари, меҳнат атташелари ва бошқа мақомдаги ваколатли органлар билан ҳамкорлик йўлга

қўйилди<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Кванджу (Корея), Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск, Уфа ва Самара (РФ) шаҳарларида ваколатхоналар очилди. Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг ҳаққонийлиги ва уларнинг нархи бўйича фуқароларнинг эътирозларидан сўнг Ўзбекистон Республикаси “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 2020 йил 13 августдаги қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга асосан, эски таҳрирдаги қонунга қўйидаги мазмунда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди: биринчидан, ХБАга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларга ёзма шаклда билдиришнома бериш ҳамда унда ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун фуқаролардан ҳақ ундиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги маълумотлар; шунингдек, ХБА томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мурожаат қилиш учун ХБАнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг почта манзиллари ва алоқа боғлаш учун телефон рақамлари кўрсатилиши белгиланди; иккинчидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захираланадиган маблағ базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари (182.755 АҚШ доллари) миқдоригача оширилди; учинчидан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахслардан уларни ишга жойлаштириш хизмати учун ҳақ ундириш тақиқланиши ҳамда ушбу хизматларга ҳақ тўлаш иш берувчининг ҳисобидан амалга оширилишини белгиловчи норма киритилди; тўртинчидан, ХБАлар ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этадиган ахборот ва маслаҳат

3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 августдаги Ўзбекистон Республикасининг 632-сонли “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилнинг 20 октябрда қабул қилинган 642-сонли “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 майдаги 3743-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида”ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги 3584-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги 3839-сонли “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

4. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 2020 йилдаги Ташқи меҳнат миграцияси ҳолати, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида йиғма-таҳлилий маълумотдан.

хизматларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан ошмаслиги лозим; бешинчидан; ХБАларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг сўровига кўра ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши; бунда, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “labor-migration” ахборот тизимида реал вақт режимда рўйхатдан ўтказиш; хусусий бандлик агентлиги тўғрисидаги, шунингдек, унинг филиали ва ваколатхонаси ҳақидаги маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини етти иш кунида хабардор қилиш мажбурияти юклатилди; олтинчидан, қонунга 15<sup>1</sup>-моддаси киритилиб, унда ХБАлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тузилиши лозимлиги; мазкур шартнома мазмунига қўйилган талаблар, шартнома матнининг ХБА расмий веб-сайтида жойлаштирилиши ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузмасдан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тақиқланиши каби нормалар назарда тутилди; еттинчидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ХБАлар фаолиятини текшириш тартиби, яъни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор этиш орқали (молия-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширилиши, бунда текшириш вақтида вазирликнинг мансабдор шахслари ўз ваколати доирасида; хусусий бандлик агентлиги ҳудудлари ва биноларига монеликсиз кириш; текширувга тааллуқли барча зарур ҳужжатлар билан танишиб чиқиш; хусусий бандлик агентлигининг мансабдор шахсларидан текширув ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик фактлари юзасидан ёзма тушунтириш, шунингдек, ҳужжатларнинг зарур бўлган, тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди. Юқорида давлатимиз томонидан тартибли ва тизимли меҳнат миграцияси тизимини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Парламент томонидан узоқ ва яқин муддатларга мўлжалланган ташқи меҳнат миграция концепцияси қабул қилиниши муҳим ҳисобланади. Ушбу концепция моддий-ҳуқуқий

ва институционал йўналишларни қамраб олиши лозим. Биринчи йўналиш, моддий-ҳуқуқий “Меҳнат миграцияси тўғрисида”, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида” ва “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш ҳамда ишончли ва юқори рейтингга эга бўлган, хорижий рекрутинг компаниялар ваколатхоналарини маҳаллий меҳнат бозорида иштирок этишга оид шартшароитларни яратиш зарур. Бунга, онлайн тарзда давлат хизматлари агентлиги орқали рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш имкониятини яратиш ҳамда кўп сонли ўзбекистонлик фуқароларга юқори маош тўлайдиган корхоналарга ишга жойлашишга кўмаклашган хорижлик иш берувчи рекрутинг компанияларга қонунчиликда преференциялар белгиланиши лозим. Иккинчи йўналиш, институционал асослар бу алоҳида Ташқи меҳнат миграцияси вазирлигини ташкил этиш зарур, унга: ривожланган мамлакатларнинг меҳнат бозори ва истиқболли меҳнат бозорларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш; ривожланган мамлакатларнинг ваколатли органлари билан ташкилий тартибда фуқароларни ишга жойлаш бўйича музокаралар ўтказиш ҳамда англашув битимларини имзолаш; мамлакат ҳудудида ягона ташқи меҳнат миграцияси сиёсатини амалга ошириш; ташқи меҳнат миграцияси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Парламентга таклифларни киритиш; ташкиллаштирилган ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича барча босқичдаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда таълим дастурлари ва адабиётларни яратиш ва ташқи меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бўлажак меҳнатмигрантларини ўқитиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш; аҳолининг барча қатламларини қамраб олувчи “Prime-time” вақтида ташқи меҳнатмиграция бозори ва ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари ҳаётига оид кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда доимий равишда эфирни йўлга қўйиш зарур.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган меҳнат миграциясини тартибга солишнинг институционал ва моддий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши биринчидан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмнинг юқори босқичга кўтарилишига, иккинчидан, халқаро ҳамжамиятда давлатимиз нуфузининг янада ошишига ва учинчидан, турли халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги грантлари ажратилишига хизмат қилади.

**Рустамбек САИДОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент  
тадқиқотлари институти бош илмий ходими

## ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ КИМ ТОМОНИДАН ВА ҚАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳуқуқий мониторинг қандай тартибда амалга оширилиши, ушбу жараёнда парламент ва жамоатчиликнинг иштирок этиш даражаси ҳамда ҳуқуқий мониторинг институтининг тақомиллаштиришга қаратилган таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқ, мониторинг, парламент, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун.

**Аннотация.** В статье описывается процедура правового мониторинга, уровень участия парламента и общественности в этом процессе, а также предложения по совершенствованию института правового мониторинга.

**Ключевые слова:** закон, мониторинг, парламент, нормативно-правовой акт, закон.

**Annotation.** The article describes the procedure for legal monitoring, the level of participation of the parliament and the public in this process, as well as proposals for improving the institution of legal monitoring.

**Key words:** law, monitoring, parliament, normative legal act, law.

“Ислохотларимиз самарасини ҳар бир инсон  
ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган  
ҳужжатлар ижросини ўз вақтида  
ва самарали таъминлаш лозим”<sup>1</sup>

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Мамлакатимизда барча соҳаларда ислохотларнинг фаол амалга оширилиши натижасида давлат ва жамиятни ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва кўлами ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, сўнгги тўрт йилда 150 дан ортиқ қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса табиийки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш, ноаниқ ёки зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига олиб келиши мумкин бўлган нормалар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни тақозо этади.

Айни шу мақсадда, яъни қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолаш фаолиятини сифатли амалга ошириш, уларнинг натижадорлигини таъминлаш учун ҳуқуқий мониторинг институтидан фойдаланилади. Қуйида ҳуқуқий мониторинг бўйича саволларга жавоб бериш орқали унинг моҳиятини тушунишга ва мазкур институтни тақомиллаштириш бўйича фикрларни умумлаштиришга ҳаракат қиламиз.

**Ҳуқуқий мониторинг ўзи нима ва уни амалга оширишнинг амалдаги тартиби қандай?**

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқий мониторингнинг аниқ таърифи белгиланмаган. Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг – амалдаги қонун ҳужжатларини доимий кузатиб бориш, баҳолаш, назорат ва таҳлил қилиш, унинг истиқболини белгилаш ва шу асосда тақомиллаштиришга қаратилган комплекс тадбирлар мажмуидир.

2019 йил 2 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини амалга оширишнинг амалдаги механизми жорий этилди.

Унга кўра, ҳуқуқий мониторингни амалга оширишнинг “давлат бошқарув органи – Адлия вазирлиги – Ҳукумат” кўринишидаги уч босқичли тизими йўлга қўйилди. Жумладан, ҳуқуқий мониторинг қуйидаги тартибда ҳар йили тасдиқланадиган режага асосан амалга оширилиши белгиланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

1 февралга қадар давлат бошқаруви органлари мониторинг ўтказилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантиради ва уни ўтган йил учун иш натижалари тўғрисидаги ҳисобот билан бирга Адлия вазирлигига тақдим этади. Режани бажариш вақтида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ҳар чоракда Адлия вазирлигига тақдим этилади;

20 февралга қадар Адлия вазирлиги режалойиҳасини ишлаб чиқади ва ўтган йил учун ҳисоботни Ҳукуматга киритади;

20 мартга қадар Вазирлар Маҳкамаси режани ҳамда ўтган йилги ижро натижалари тўғрисидаги ҳисоботни раёсат мажлисларида муҳокама қилган ҳолда тасдиқлайди.

### **Парламент ҳам ҳуқуқий мониторинг субъекти бўла оладими?**

Бугунги кунга келиб миллий парламенти-миз – Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси нафақат қонун ижодкорлиги, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатли ижроси ҳамда ислохотларнинг боришига таъсирини баҳолаш масаласини доимий ўрганиб, таҳлил қилиб боради.

Хусусан, 2016 йилдаги ўзгартиришга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Шунингдек, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш парламент назорати шакллари-дан бири сифатида мустаҳкамланган.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам парламент фаолиятида қонун ҳужжатлари бўйича назоратдан кўра мониторинг ўтказиш анча самарали ҳамда мақсадга мувофиқ кўринади. Чунки назоратдан фарқли ўлароқ мониторинг мунтазамлик, кузатувчанлик ва кенг қамровлилик хусусиятларига эга. Мазкур хусусиятлар қонунни қўлловчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда қонун ҳужжатла-

ри ижроси ҳақида кенг қамровли ахборот олиш ҳамда амалиёт талабидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига тезкор равишда тузатишлар кири-тиш имкониятини яратади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар бири, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётимиз бобидаги вазибаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан сифатли, ўз вақтида бажарилиши борасидаги парламент мониторинги миллий қонунчилигимизни, парламентнинг назорат фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболли режаларини шакллантириш негизига, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим омилига айланди<sup>3</sup>.

Масалан, биргина Сенат қўмиталари томонидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда долзарб аҳамиятга эга бўлган 20 дан зиёд қонунлар мониторинги ўтказилди. Ахборот олиш кафолатлари, хотин-қизлар ҳамда болалар ҳуқуқларининг ҳимояси, ипотека ва хайрия, электрон тижорат, инвестиция, транспорт ҳамда валюта, экологик хавфсизлик ва техник регламентлаш, тезкор-қидирув фаолияти, халқаро шартномалар, маданий бойликлар соҳасини тартибга солувчи қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Аввало, шу пайтгача ўтказилган парламент мониторингларида, асосан, қонунлар ижроси ҳолатига урғу берилган бўлса, эндиликда бу масалага комплекс ёндашилиб, амалдаги қонунларнинг самарадорлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни бунда нафақат ижро, балки қонун мақсадидан келиб чиқиб, унинг ижро этилмаслигига сабабчи бўлаётган нормалар ва камчиликлари кенг таҳлил қилинаётир<sup>4</sup>.

### **Ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда фуқаролар иштирок эта оладими?**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизми асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда давлат бошқаруви органлари адвокатлар,

2. Ҳақимов Р. Парламент назорати ва қонун ҳужжатлари мониторинги // “Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари”. Илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: 2006, Б. 87.

3. Исмоилов Н. Президентнинг сиёсий йўли миллий парламентаризм тизими ривожининг асосидир. // <https://xs.uz/uzkr/post/prezidentning-siyosij-joli-millij-parlamentarizm-tizimi-rivozhining-asosidir>

4. Тўраев Д. Сенатда қонунлар самарадорлигини ошириш бўйича парламент назорати йўлга қўйилди. // “Халқ сўзи” газетаси. № 49. 10.03.2021.

илмий ва таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, фуқароларни шартнома асосида жалб этишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ваҳоланки, Норма ижодкорлиги жараёнларини такомиллаштириш концепцияси II йўналишининг (Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижро мониторингини такомиллаштириш) 3-бандида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан жамоатчилиги вакиллари жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш вазифаси белгиланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичларида қатнашиш учун фуқароларга етарли имкониятлар яратилган.

Аммо, бугунги кунда норма ижодкорлигининг ажралмас қисми ҳисобланган ҳуқуқий мониторинг жараёнида жамоатчиликнинг фаол ва самарали иштироки учун ҳуқуқий ва институционал асослар мавжуд эмас.

**Ҳуқуқий мониторингдан кўзланган мақсадларга эришиш учун қандай янги механизмларни жорий этиш зарур?**

Ҳуқуқий мониторинг институтининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

**биринчидан**, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси мониторинги” атамасидан кўра “ҳуқуқий мониторинг” атамаси кенгроқ эканлигидан

келиб чиқиб, бу борада ягона атамалар тизимини шакллантириб, барча ўринларда “ҳуқуқий мониторинг” тушунчасини қўллаш лозим;

**иккинчидан**, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги таъсирини баҳолаш каби усуллар ҳуқуқий мониторинг доирасида ўтказилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ;

**учинчидан**, ҳуқуқий мониторинг институтидан фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида эмас, балки уни қабул қилиш жараёнида ҳам фойдаланиш орқали қонун ҳужжатларининг сифатли тайёрланишига эришиш мумкин;

**тўртинчидан**, ҳуқуқий мониторинг объектлари сафини кенгайтириш, хусусан, бунда барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олиш мақсадга мувофиқ;

**бешинчидан**, парламент палаталари томонидан амалга оширилган ҳар битта ҳуқуқий мониторинг яқунлари бўйича Олий Мажлис палаталари Кенгашлари қарорларини қабул қилиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тегишли масъул органларга таъсир чоралари қўллаш механизминини жорий этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий мониторинг узвий жараён бўлиб, у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишидан тортиб, унинг ижросини таъминлашгача бўлган даврни тўлиқ қамраб олиши лозим. Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга бўлган орган тегишлича ҳуқуқий мониторинг ўтказиши ва унинг натижасида олинган маълумотларни доимий таҳлил қилиб бориши мақсадга мувофиқдир.

### Ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади

таҳлил қилиш

баҳолаш

истиқболни белгилаш

Ҳуқуқий мониторинг ахборот-таҳлилий жиҳатдан тўлиқ таъминланган бўлиши лозим

**Аъзам ЭРАЛИЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА СТРАТЕГИК ВА ОПЕРАТИВ БОШҚАРУВ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларида стратегик ва оператив бошқарув фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, ички ишлар органларида стратегик ва оператив бошқарув фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ички ишлар органлари, стратегик бошқарув, оператив бошқарув, бошқарув тизими, концепция, услохотлар.

**Аннотация.** В статье проанализирован стратегическое и оперативное управление в системе органов внутренних дел. Также разработаны предложения по дальнейшему совершенствованию деятельности в сфере стратегического и оперативного управления в системе органов внутренних дел.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, стратегическое управление, оперативное управление, концепция, реформа.

**Annotation.** The article analyzes strategic and operational management in the system of internal affairs bodies. Also, proposals have been developed for further improvement of activities in the field of strategic and operational management in the system of internal affairs bodies.

**Key words:** internal affairs bodies, strategic management, operational management, concept, reform.

Ички ишлар органларида стратегик ва оператив бошқарув фаолияти марказий ўринни эгаллайди. Илмий адабиётларда ички ишлар органларини бошқаришнинг уч хил – стратегик, оператив ва тактик бошқарув турлари мавжудлиги эътироф этилади<sup>1</sup>.

Айрим муаллифлар ички ишлар органларида бошқарув тизимининг ўзаро боғлиқ ва бир вақтнинг ўзида мустақил бўлган стратегик ва оператив йўналишини ажратиб кўрсатадилар<sup>2</sup>.

Ички ишлар органларини бошқаришнинг стратегик, оператив ва тактик бошқарув хусусиятлари мавжудлигини эътироф этган ҳолда, ушбу тадқиқот иши предмети доирасида стратегик ва оператив бошқарув ҳақида тўхталиб ўтамиз<sup>3</sup>.

Стратегик бошқарув деганда, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш сиёсатига мувофиқ кенг кўламли мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш бўйича фаолият тушунилади<sup>4</sup>.

Стратегик бошқарувда миллий ва минтақаларо миқёсда ички ишлар органларининг инсон

ва моддий-техник захираларидан комплекс фойдаланиш учун энг мақбул шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилади. Бунда криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи ва жамоатчилик эътиборига тушган жиноятларга қарши курашишга катта эътибор берилади. Бошқаруving ушбу тури давлат миқёсида умумий шаклда, ички ишлар органлари раҳбариятига алоқадор барча юқори инстанциялар иштирокида, аниқроқ қилиб айтганда Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

М.Ю.Абдылдаев таъкидлаганидек, муҳим, истиқболли вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ фаолият стратегик бошқарув деб номланиши мумкин. Стратегик бошқарув жиноятчиликка қарши курашишнинг йирик ҳажмли, истиқболли вазифаларини ишлаб чиқиш, жиноятчилик ҳолати ва тузилишини ижобий жиҳатдан тубдан ўзгартириш, уни камайтириш имконини берувчи устувор йўналишларни излаш бўйича ҳаракатлар тизимини ифодалади<sup>5</sup>.

1. Леонов А.П. Научно-методологические основы управления органами внутренних дел: в 2-х частях Ч1.: учебное пособие для вузов. – Минск: Академия МВД Республики Беларусь, 2013 – 323 с.; Основы управления в органах внутренних дел : учебник / под общ. ред. Ю.Е.Аврутина. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2018. – 249 с.

2. Абдылдаев М.Ю. Стратегическое и оперативное управление органами внутренних дел Кыргызской Республики: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С.8-9.

3. Тактик бошқарув одатий вазиятларда органлар, уларнинг бўлинмалари ва алоҳида мансодор шахсларнинг асосий ҳаракатлари билан боғлиқ чора-тадбирларни назарда тутати. Тактик бошқарув жараёни ички ишлар органлари таркибий бўлинмалари ва хизматларининг ташкилий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

4. Маркушин А.Г., Казаков В.В. Основы управления в органах внутренних дел: учебник для СПО. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2020. – С.72.

5. Абдылдаев М.Ю. Стратегическое и оперативное управление органами внутренних дел Кыргызской Республики: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С.8-9.

Ю.Л.Сиваковнинг ёзишича, “Стратегик бошқарувнинг моҳияти бошқарув тизими ва жараёнларини ташкил этишдан иборат. Жиноятчиликка қарши курашишга татбиқан ташкил этиш бошқарув функцияси сифатида аниқ вазифаларни ва ташкилий муносабатлар шаклини ҳамда бошқарув усуллари танлашни белгилашни назарда тутати”<sup>6</sup>.

Бизнинг фикримизча эса, ички ишлар органларида стратегик бошқарув деганда, ички ишлар органлари ёки алоҳида соҳавий хизматлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида янгича ёндашув, концепцияларни амалиётга жорий этиш ва шу орқали жиноятчиликни жиловлашга қаратилган ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Стратегик бошқарувнинг асоси сифатида ташкил этиш кўп жиҳатдан раҳбарнинг функцияси ҳисобланади. Раҳбарнинг ташкилотчилик фаолияти ижтимоий жараёнларни бошқарув асоси бўлиб хизмат қилади ҳамда тизим олдида турган мақсадларга эришишга қаратилган бўлади. Раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти нафақат ўз ҳаракатлари ва қабул қилаётган қарорларининг самарадорлигида, балки яхлит ҳолда тизимнинг тартибли ва барқарор ҳолда фаолият кўрсатишида ҳам намоён бўлади.

Ички ишлар органлари ҳам мураккаб ижтимоий тизим сифатида бошқарув таъсирининг кенг кўламли объектларига эга бўлиб, ички ишлар органлари ташкил этиш функциясини махсус бошқарув тузилмаси – Ташкилий департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширади. Айнан ташкилий бўлинмалар орқали раҳбар ҳаётга ўзининг бошқарув ғояларини татбиқ этади ҳамда ташкил этишнинг олий даражаси сифатида стратегик бошқарувни амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, жиноятчиликка қарши курашиш стратегиясини белгилаш, қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишни

тақозо этади: муаммони белгилаб олиш; мақсад ва вазифаларни шакллантириш; жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий йўналишларини белгилаш; фаолият йўналишлари бўйича ресурсларни (моддий, кадр) тақсимлаш, белгиланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда куч ва воситаларни тақсимлаш, жиноятчиликка қарши курашишда муаммоларни самарали ҳал қилиш йўллари аниқлаш.

Шу билан бирга жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги стратегик вазифаларни ҳал қилиш – бир томондан, бошқарув тизимининг муаммоси бўлса, бошқа томондан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай жиноят бу жиноят қонунини бузиш ва ҳуқуққа тажовуз қилишдир. Шу туфайли жиноятчиликка қарши курашиш бошқарув жараёни ва амалий фаолият тури сифатида ҳуқуққа асосланади. Жиноятчиликка қарши курашиш стратегиясининг ҳуқуқий асоси давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатида асосланади.

Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш борасида ички ишлар органларида бошқарув тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган “Хавфсиз шаҳар”<sup>7</sup>, “Хавфсиз пойтахт”<sup>8</sup>, “Хавфсиз туризмни таъминлаш”<sup>9</sup>, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш”<sup>10</sup>, “Хавфсиз хонадон”<sup>11</sup>, “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз дам олиш”, “Хавфсиз транспорт” каби бир қатор концепциялар жорий этилмоқда. Шунингдек, Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан жиноятчиликни жиловлаш бўйича ишни ташкил этиш учун “Жиноят ҳақиқати ва адолати” тизими жорий этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган мазкур концепция ва тизимлар ҳам ички ишлар органларида стратегик бошқарувнинг амалга оширилишига мисол бўла олади. Хусусан, “Хавфсиз пойтахт” концепцияси доирасида Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг

6. Сиваков Ю.Л. Стратегическое управление человеческими ресурсами органов внутренних дел // Юридическая наука и правоохранительная практика. – 2018. – №1(43). – С.146-147.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 июндаги ПҚ–3786-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.06.2018 й., 09/18/3786/1368-сон.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 ноябрдаги 939-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2017 й., 09/17/939/0320-сон.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.05.2018 й., 09/18/377/1258-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4060-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 07/18/4060/2312-сон.

кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш орқали ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти самарадорлиги ортади ҳамда жиноятчилик камайишига эришилади.

Ёки бўлмаса, “Жиноят ҳақиқати ва адолати” тизими доирасида аёллар, мактаб ўқувчилари, ёшлар ёки бошқа аҳоли қатламлари томонидан жиноят содир этилганлиги ҳолатлари бўйича республикадаги масъул раҳбарлар жойларга борган ҳолда унинг сабабларини ўрганати, муҳокамасини ташкил қилади, келгусида уларнинг такрорланишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўради, телевидение, радио ва газетада муҳокама қилинади.

Жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи ички ишлар органлари учун стратегик бошқарув нуқтаи назаридан қуйидаги ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга: юридик процессуал шаклни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишни жиноят-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий таъминлаш, жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш.

Ички ишлар органлари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш давлат стратегиясини ишлаб чиқишда унинг мустақил йўналишлари сифатида – жиноятчиликка қарши курашишнинг умумий стратегияси ҳамда алоҳида турдаги жиноятларга қарши курашиш стратегияларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, стратегик ва оператив бошқарув ўзаро узвий боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Стратегик ва оператив бошқарувнинг ўзаро алоқадорлиги айниқса бошқарув қарорлари қабул қилишда яққол намоён бўлади. Умумий олганда бошқарув фаолиятида оператив масалалар стратегик масалаларга нисбатан кўпроқ учрайди<sup>12</sup>.

Шу билан бирга фикримизча, стратегик ва оператив бошқарувни бир-биридан қуйидаги мезонларга кўра фарқлашимиз мумкин:

Биринчидан, вақт оралиғига кўра, яъни оператив бошқарув учун стратегик бошқарувга нисбатан қисқа муддат талаб қилинади, масалан, оператив бошқарув соат, кунларда амалга оширилса, стратегик бошқарув йилларни талаб қилади.

Иккинчидан, мақсадларнинг кўламига кўра, стратегик бошқарув ички ишлар органларида бошқарув тизими самарадорлигини оширишга қаратилган йирик мақсадларни кўзласа, оператив бошқарув мақсадлари локал хусусиятга эга бўлиб, оператив вазиятдан келиб чиқади. Ички ишлар органларида оператив бошқарув оператив вазиятдаги ўзгаришларга тезкор таъсир кўрсатишни назарда тутаяди.

Учинчидан, фойдаланиладиган куч ва воситаларга кўра, яъни стратегик бошқарувда қанда тарихида республика аҳамиятидаги куч ва воситалардан, оперативда эса, ҳудудий куч ва воситалардан фойдаланилади. Шунингдек, стратегик бошқарувда ишни режали ташкил этиш назарда тутилади.

Оператив бошқарув стратегик курс доирасида минтақавий органлар ҳаракатини ўзаро ҳамкорликка йўналтиришни назарда тутаяди. Айнан шу даражада соҳавий хизматлари бошқариш принциплари махсус вазифаларга эга бўлган, лекин ягона мақсадга йўналтирилган тузилмалар фаолиятини бирлаштирувчи тизим сифатида амалиётга жорий этилади<sup>13</sup>.

Бизнинг фикримизча, ички ишлар органларида оператив бошқарув деганда, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишда кундалик масалаларни ҳал қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида локал, қисқа муддатли, яқин истиқболга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Оператив бошқарувнинг моҳияти бошқарув тизимининг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги доимий тарзда вужудга келиб борадиган аниқ вазифаларни, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини ҳал қилиш имконияти билан боғлиқ. Оператив бошқарув тизими билан боғлиқ бўлган “оператив ҳаракатлар (чоралар)”, “оператив режа”, “оператив қарор”, “оператив штаб” кабилар кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар, фавқулодда вазиятларда, яъни вақт омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳолларда қарор қабул қилишни назарда тутаяди<sup>14</sup>.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча

12. Абдылдаев М.Ю. Стратегическое и оперативное управление органами внутренних дел Кыргызской Республики: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С.8-9.

13. Постникова А.А. Организационные и правовые основы управления внутренними делами Республики Беларусь: монография. – Минск: Академия МВД Республики Беларусь, 2001 – С.51.

14. Абдылдаев М.Ю. Стратегическое и оперативное управление органами внутренних дел Кыргызской Республики: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С.11.

чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 июндаги ПҚ–3786-сон Қарорига асосан ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучлари ва жамоатчилик вакиллари жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режими ташкил этилиб, уларнинг ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга максимал тезкорлик билан етиб боришини таъминланмоқда.

